ЎзССР Давлат китоб палатаси
Кирди
Ўзбекистон ССР ички ишлар вазирлиги

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 42 (20.909) 1991 йил 28 февраль, пайшанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

Ўзбекистон—Қозоғистон:

# ҚУДРАТИМИЗ ДЎСТЛИКДА

**«Биз халқларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқаларни, ҳамжиҳатликни, дўстликни чуқурлаштириш — энг аввало, Бутуниттифоқимизни мустаҳкамлашга қўмаклашади, деб ҳисоблаймиз».**

**(Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон жумҳуриятлари раҳбарларининг Баёнотидан).**

## ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОШКЕНТДА ТЎХТАБ ЎТДИ

Қўшни Қозоғистон жумҳурияти Президенти, Қозоғистон Компартияси Марказий Қўмитаси биринчи котиби Н. А. Назарбоев Қозоғистоннинг жанубий вилоятларига бораётиб, 27 февраль куни Тошкентда қисқа муддат тўхтаб ўтди. Аэропортда меҳмонни Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси биринчи котиби И. А. Каримов, Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Қозоғистоннинг Чимкент вилояти партия қўмитаси биринчи котиби, вилоят Кенгаши раиси С. А. Терешченко кутиб олдилар.

Меҳмон билан Ўзбекистон Президенти қароргоҳида суҳбат бўлиб ўтди. Сўнгра Н. А. Назарбоев Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик-узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлди. Бу ерда у ўзбек олимлари тайёрлаган узум ва меваларнинг истиқболли навлари кўргазмаси билан танишди. Бирлашма бош директори, ВАСХНИЛ академиги Маҳмуд Мирзаев меҳмонга бу ерда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ишлар ҳақида сўзлаб берди. У бирлашмада ҳозирги кунда жумҳурият хўжаликлари ҳамда аҳолининг томорқа майдонларига экиш учун салкам 11 миллион дона мевали дарахт, 17,5 миллион дона ток, 1,5 миллион дона атиргул кўчатлари тайёр қилиб қўйилганлигини, халққа арзон нархларда сотилишини таъкидлади. Шунингдек, бирлашма олимлари томонидан 1100 хил узум, 600 хил олма, 300 хил нок ва бошқа мева навлари яратилган. Бирлашмага қарашли заводда эса турли хил мева шарбатлари, мурабболар тайёрланяпти. Шредерчилар Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон ҳукуматларининг Олмаотада имзоланган битимига мувофиқ Қозоғистоннинг Чимкент вилояти билан ўзаро мустаҳкам алоқалар ўрнатишган. Қозоғистон ССР Президенти Нурсултон Абишевич Назарбоев бирлашма фаолиятининг кўпгина жиҳатлари билан танишди. Сўнгра у бирлашманинг фахрий меҳмонлари китобига ўз таассурот, мулоҳазаларини битиб қолдирди.

Қисқа муддатли сафар чоғида меҳмонга Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов, жумҳурият вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов ҳамроҳлик қилдилар.

**О. НАЗАРОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.**



**Қозоғистон ССР Президенти ва унинг ҳамроҳлари Шредер номли боғдорчилик ва узумчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида.**
**В. Молгачев олган сурат.**

## ДОН ЕТАРЛИ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Дон маҳсулотлари министрлиги жумҳурият аҳолиси эҳтиёжини қондириш учун бир йилда 3 миллион 600 минг тонна ғалла тайёрлаши лозим. Ўзимизда етиштирилган ҳосил эса анча кам. Хўш, шунча миқдордаги дон қайси манбалардан келтирилади?

— Ўзбекистон билан қардош Қозоғистон жумҳурияти ўртасидаги қардошлик алоқалари бизга мадад бермоқда, — дейди биз билан суҳбатда министрлик қошидаги дон ва уруғ тайёрлаш бўлими бошлиғи Абдураҳмон Йўлдошевич Тошмуҳамедов. — Ўзаро тузилган шартнома асосида ўтган йилнинг иккинчи ярмида 1 миллион 315 минг тонна, янги йилнинг январь ва февраль ойларида эса 160 минг тонна ғалла олишга муваффақ бўлдик.

Министрликнинг яқинда бўлиб ўтган коллегия йиғилишида омборлардаги мавжуд ғаллани қайта ишлашда юксак самарадорликка эришиш, сумалак мавсуми муносабати билан идора ва ташкилотларни имкони борича бутдой билан таъминлаш ҳамда Наврўзга тайёргарлик билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

**П. НИШОНОВ,**
**ЎзТАГ мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# ЎЗБЕКИСТОН ССРда ТАДБИРКОРЛИК ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун Ўзбекистон ССРда тадбиркорликни ташкил этиш, унинг амал қилиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асосларини белгилайди.

Қонун тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллигига кафолат беради, уларнинг ҳуқуқ ва масъулиятини аниқлайди, тадбиркорларнинг бошқа корхоналар ва ташкилотлар, давлат бошқаруви идоралари билан муносабатларини тартибга солади.

Қонун фуқароларнинг тадбиркорлик қобилиятини бутун чоралар билан ишга солиш, уларнинг ишбилармонлигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатларини белгилаш асосида бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилгандир.

Қонун мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларини эркин танлаш, бу шаклларнинг тенг ҳуқуқлилик асосида амал қилиши, ўзаро ҳамкорлик ва эркин рақобатлашув таъминланадиган шароитларнинг яратилишига кўмаклашади.

1-модда. **Тадбиркорлик**

Тадбиркорлик — мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлиги асосида, амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишидир.

Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик:

тадбиркорнинг шахсий мол-мулки асосида;

тадбиркорнинг бошқа фуқаролар ва юридик шахслар, шу жумладан ажнабий фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулкларини турли шаклларда жалб этиши асосида;

тадбиркорнинг давлат ва жамоат ташкилотлари мол-мулкларидан фойдаланиши асосида;

юқорида қайд этилган шаклларни қўшиб олиб бориш асосида амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолиятининг ва мулкдор билан бўлган муносабатларнинг характеридан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик фаолияти мулкдор томонидан ҳам, хўжаликни тўлиқ юритиш ҳуқуқи асосида (ана шу ҳуқуқ чегаралари мулк эгаси томонидан белгиланган ҳолда) мулкдорнинг мол-мулкини идора қилувчи субъект томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ҳар қандай шаклдаги тадбиркорлик мулк эгасининг ишлаб чиқариш жараёнида шахсан бевосита иштирок этишига ва (ёки) бошқа фуқароларнинг меҳнатини қўллаш йўли билан фойдаланишига асосланиши мумкин.

2-модда. **Тадбиркорлик тўғрисидаги қонунлар**

Тадбиркорлик билан боғлиқ муносабатлар, мулкчиликнинг шаклидан, фаолият туридан, қайси соҳага ихтисослашишидан қатъи назар, ушбу Қонун билан, Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Асосий фаолияти тадбиркорликдан иборат бўлмаган давлат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш ташкилотларига, жамоат ва диний ташкилотларга ҳамда ўзга ташкилотларга нисбатан ушбу Қонун улар фаолиятининг ўз хусусиятига кўра тадбиркорликдан иборат бўлган қисмига татбиқ қилинади.

3-модда. **Тадбиркорликнинг умумий қоидалари**

Ўзбекистон ССРда тадбиркорликнинг ривожлантиришнинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

қонун билан тақиқланмайдиган ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тадбиркорнинг ўзига тегишли бўлган мол-мулкдан фойдаланиш эркинлиги;

тадбиркорнинг хўжалик фаолиятини юритишдаги ва фаолият маҳсулини тақсимлашдаги мустақиллиги;

тадбиркорларнинг барча турдаги ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини юритишда, мулк шаклларидан қатъи назар, қонун олдида тенг ҳуқуқлилиги;

тадбиркорликни амалга ошириш ва ходимлар ёллашнинг ихтиёрийлиги;

даромад олишнинг манбалари ва усуллари қандай бўлишидан қатъи назар, солиқ идоралари ҳузурида ҳисоб беришнинг асослов (декларатив) шакли, тадбиркорларнинг даромадларини яшириб қолганлик (пасайтириб кўрсатганлик) учун Ўзбекистон ССР қонунларига асосан моддий жавобгарлиги.

4-модда. **Тадбиркорлик субъектлари**

Қуйидагилар тадбиркорлик субъекти бўлиши мумкин:

— қонунда белгиланган тартибда муомала лаёқати чекланмаган Ўзбекистон ССР ва СССРнинг ҳар қандай фуқароси;

— фуқаролар гуруҳи (шериклар), шу жумладан давлат, кооператив ва бошқа корхоналарнинг меҳнат жамоаси — жамоа тадбиркорлари;

— Ўзбекистон ССР қонунларида кўзда тутилган ваколатлар доирасида бошқа ажнабий давлатларнинг фуқароларн ёки юридик шахслари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар;

— аралаш мулк субъектлари.

Давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув идораларининг раҳбар ходимлари ва Ўзбекистон ССР қонунларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ман этилган шахсларнинг бу фаолият билан шуғулланишига рухсат берилмайди.

5-модда. **Тадбиркорлик шакллари**

Тадбиркорлик шакллари қуйидагилардан иборат:

— якка меҳнат фаолияти асосида;

— айрим фуқаро томонидан ёлланма меҳнатни жалб этиш асосида амалга ошириладиган хусусий тадбиркорлик;

— бир гуруҳ фуқаролар томонидан амалга ошириладиган жамоа тадбиркорлиги.

— юридик шахслар ва фуқароларнинг ўз мулклари ва мулкий ҳуқуқларини бирлаштириш асосида амалга ошириладиган ҳамкорликдаги тадбиркорлик.

6-модда. **Тадбиркорлик ташкилоти (ширкати) ва унинг фаолияти асослари**

**(Давоми иккинчи бетда).**

# ПРЕЗИДЕНТ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

**27 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда иқтисодиёт, ижтимоий ва маданий соҳаларни қамраб олган муаммолар мажмуи кўриб чиқилди.**

Президент Кенгашининг аъзоси, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов «Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш тўғрисида» ахборот берди.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалалари республика ҳукуматининг диққат марказида турганлиги таъкидланди. Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонларига мувофиқ, ушбу муаммони ҳал этиш учун пахта майдонларини қисқартириш ҳисобидан қишлоқ аҳолисига 183 минг гектардан кўпроқ ер ажратилди. 580 мингдан ортиқ оила томорқа ери олди, 932 минг оила ўз томорқасини кенгайтирди. Аҳолига бузоқ ва парранда, озуқа сотиш ишлари кенг миқёсда ташкил этилди. Ана шу тадбирлар туфайли 1990 йилдаёқ, ундан аввалги йилга нисбатан хусусий секторда етиштирилган ялпи маҳсулот деярли 300 миллион сўм кўпайди. Мевасабзавот маҳсулотлари етиштириш 395 минг тонна, гўшт, сут ва тухум тайёрлаш 5 фоиздан ортиқроқ кўпайди.

Ўзбекистон ССР Президентининг шу йил 11 январдаги Фармонига мувофиқ, сентябрь ойигача шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш учун яна қўшимча тарзда 108 минг гектардан кўпроқ ер ажратилади.

Шу билан бирга, дейилди мажлисда, Ўзбекистон аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашнинг аҳволи ҳали ҳам кескин бўлиб қолмоқда. Жумҳуриятда чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш қониқарсиз олиб борилмоқда, республикалараро битимлар асосида шартномалар тузилиши барбод бўлмоқда.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга бевосита алоқадор бўлган жиддий масала — аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга албатта кафолат берилган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари чакана нархлари масаласини тартибга солиш кераклиги таъкидланди.

Президент Кенгаши муҳокама этилган муаммо юзасидан Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига тегишли тавсиялар берди.

Мажлис қатнашчилари Президент Кенгашининг аъзоси, ташқи ишлар вазири С. О. Азимовнинг Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар вазирлиги тузилмаси ва унинг Ўзбекистон давлат мустақиллиги амалга оширилаётган шароитда республиканинг халқаро ташқи алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашдаги аҳамиятини ошириш ҳақидаги ахборотини тингладилар.

Президент Кенгашининг аъзоси Т. Валиев жамоат ташкилотларини ривожлантириш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва улар ўртасидаги ҳамжиҳатлик тўғрисида ахборот берди. Ўзбекистон ССРда Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши республикадаги ижтимоий-сиёсий аҳволни нормаллаштириш ва барқарорлаштиришга кўмаклашадиган ҳамда ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат деб баҳоланди. Энди, дейишди нотиқлар, ижтимоий-сиёсий бирлашмаларни жипслаштириш ва уларнинг амалий ҳамкорлик қилиш йўлларини излаш зарур. Республикада улар биргаликда куч-ғайрат сарфлашлари — аҳолининг турмуш даражасини ошириш, халқлар ўртасида дўстликни ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, экология масалалари билан, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш билан шуғулланишлари учун катта имконият бор.

Президент Кенгаши республикамизда иш олиб бораётган кўзи ожиз ва кар ногиронларни бирлаштирувчи жамиятлар фаолияти, уларга қарашли корхоналарнинг моддий-техника базасини ривожлантиришда кўмаклашиш билан боғлиқ масалаларни ҳам муҳокама қилди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов қатнашди. **[ЎзТАГ].**

## Пленум бўлди

НУКУС, 26 февраль. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон жумҳурият комитетининг пленуми бўлди.

Жумҳурият партия комитетининг биринчи котиби Д. Н. Шамшетов Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорларини бажариш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

Коммунистлар жумҳурият партия ташкилотининг 1991 йилги бюджети ҳамда ўтган йилги бюджетнинг ижросини муҳокама қилдилар.

Пленум қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси жумҳурият комитетининг Қорақалпоғистон Совет Республикасидаги коммунистларга, бутун аҳолига 1991 йил 17 март куни Бутуниттифоқ референдуми ўтказилиши муносабати билан мурожаатнома қабул қилдилар.

# Давр масъулиятни ва пухталикни талаб қилади

## М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ БЕЛОРУССИЯ ПОЙТАХТИ МЕҲНАТКАШЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ

**МИНСК, 26 февраль. (ТАСС). М. С. Горбачев бугун Белоруссия пойтахти Минскка келди. Шу куннинг режасида Минск трактор заводи меҳнат жамоаси, республика халқ депутатлари, илмий ва ижодкор зиёлиларнинг вакиллари билан учрашувлар кўзда тутилган.**

МИНСК, 26 февраль. (ТАСС махсус мухбирлари). Мамлакатда турмушимизни тубдан ўзгартириб юборадиган улкан вазифалар ҳал қилинмоқда. Бу мураккаб ишни Белоруссия меҳнаткашлари зўр масъулият билан бажармоқдалар. Ишончли одамлар! СССР Президенти «В. И. Ленин номли Минск трактор заводи» бирлашмаси ҳудудидаги дастлабки учрашув пайтида шу сўзларни айтди.

Бу ерда ҳар йили юз минг трактор ишлаб чиқарилади, бу Совет Иттифоқида ишлаб чиқариладиган тракторларнинг учдан бир қисмидир. Бу корхона сут ва гўшт, картошка ва нон... Қисқаси, дастурхонимиз мўл бўлиши учун ишлаяпти. Минскликлар бу ишни яхши бажаришяпти. Лекин чопиқ тракторларининг, фермерлар учун машиналарнинг, томорқа участкаларида ишлатиладиган мотоблокларнинг энг янги моделларини кўздан кечириш чоғида гап фақат МТЗнинг афзалликлари ва муаммолари тўғрисидагина боргани йўқ. Ишчилар, инженер-техник ходимлар хўжаликлараро алоқалар бузилганлиги ҳақида ачиниб гапирдилар. Табиийки, Чернобиль оқибатларини тугатиш билан боғлиқ муаммолар ҳам суҳбатда кўп марта тилга олинди.

Белоруссия ССР Олий Кенгаши биринчи бўлиб ўтган жума куни «Чернобиль атом электр станциясидаги фалокатдан жабрланган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида» Қонун қабул қилди. Унда жабрдийдаларга имтиёзлар ва тўловлар белгилаб берилган. Лекин ана шу молиявий юкни Белоруссиянинг бир ўзи ўз елкасига ололмайди. Шу сабабли республика халқи Президентга, Иттифоқ ҳукуматига катта умид боғламоқда.

М. С. Горбачевнинг фикри: «Мен бутун Минскда бўламан. Эртага Гомелга, индинга — Могилевга бораман. Ҳаммасини ўз кўзим билан кўришни истайман. Шу муаммо билан шуғулланувчи ўртоқлар мен билан бирга бўлишади. Инсон ҳозир қаерда бўлмасин, унга кафолат яратиб бериш учун жабрдийдаларни ҳимоя қилувчи Иттифоқ қонунини қабул қилмоқчимиз. Қонун устида олиб борилаётган иш тугалланмоқда. Бу қонун ҳозир Вазирлар Маҳкамасида, Иттифоқ парламентида кўриб чиқилмоқда. Пухталаштирилгандан сўнг бу ҳужжатни кўриб чиқиш учун Олий Кенгашга қўямиз.

Яна бир қийин мавзу — келгусида чакана нархларнинг оширилиши ва компенсация тўловларидир. Ишчиларнинг саволларига жавоб қайтариб, Президент тушунтириб берди: «Агар янги нархларни жорий этсак, нарх оширилгунга қадар сўзсиз компенсация пуллари тўланади».

Ишчилар билан суҳбатларда савдо қоидаларининг бузилиши муаммолари, «мафия тузилмаларининг ҳукмронлиги» тилга олинди.

Цехларда ишчилар билан икки соат давом этган суҳбат бирлашманинг маданият саройида давом эттирилди. Учрашувга бошқа корхоналарнинг вакиллари ҳам келишди.

МТЗ бош директори И. И. Кулешов бирлашмага ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга халақит бераётган муаммоларга тўхталиб, мамлакат ҳукумати устун даражада турган вазифалар орасида фан-техника тараққиёти масалаларини алоҳида ўринга қўйиши лозимлигини таъкидлади. Ҳамма бозор тарафдори бўлса ҳам мамлакат иқтисодиётида бунинг учун етарли даражада ривожланган кўмакчи тармоқлар йўқ пайтда корхонанинг бозор муносабатларига ўтиши жуда оғир ва қийин бўляпти.

Сўнгра залга ўрнатилган микрофонлар олдига МТЗ бош конструкторининг ўринбосари С. М. Войчинский, механика-йиғув заводи директорининг ўринбосари И. М. Грунский, ташқи қабул техника назорати бюросининг бошлиғи Н. И. Боробьев, пўлат қуйиш цехи ишчиси В. А. Полешчук, инженер-технолог Е. С. Титович, электр пайвандчилар бригадири Н. С. Крутиков, Минскдаги «Луч» пойабзал бирлашмаси бош директорининг ўринбосари Г. А. Белевич, Минск мотоцикл ва велосипед заводининг директори К. А. Устимчук келадилар. Улар энг долзарб муаммолар — ҳозирги қийин ва нотинч даврда жамият турмушининг муаммолари ҳақида гапирдилар. Равшанки, ишлаб чиқаришда, турмушда одамларни ташвишга солаётган нарсалар тўғрисида гап борди, лекин ССР Иттифоқи яхлитлигини сақлаб қолиш билан боғлиқ мавзу бош мавзу бўлди. Республикалар ўртасидаги муносабат, конверсия, референдум, Иттифоқ шартномаси, парламент аъзоларининг фаолияти масалалари ҳам тилга олинди.

М. С. Горбачев йиғилганлар ҳузурида сўзга чиқиб, жумладан, ҳозирги пайтда бозор сари тезроқ ҳаракат қилиш, Иттифоқ шартномасини тезроқ тузиш бош вазифа эканлигини айтди. У. Иттифоқни ислоҳ қилиш муаммоси тўғрисида гапи-

**(Давоми иккинчи бетда).**

# ЎЗБЕКИСТОН ССРда ТАДБИРКОРЛИК ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тадбиркорлик субъекти тадбиркорлик ташкилотлари (ширкатларини) тузади. Тадбиркорлик ташкилотларини (ширкатларини) тузиш, уларнинг фаолият кўрсатиши, уларни қайта ташкил этиш ва тугатишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССРдаги корхоналар тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинади.

7-модда. **Тадбиркорнинг ҳуқуқлари**

Ҳар бир фуқаро (бир гуруҳ фуқаролар) хўжалик юритувчи бошқа субъектлар билан тенг асосларда:

— Ўзбекистон ССР қонунларида белгиланган шартларга риоя қилган ҳолда корхоналар ва ташкилотларни вужудга келтириш, таъсис этиш, сотиб олиш ва қайта тузиш йўли билан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва давом эттириш;

— тадбиркор турли даражада мулкий жавобгар бўладиган ўз тадбиркорлик ташкилотини таъсис этиш;

— бу фаолиятни бажариш учун бошқа юридик шахслар ва фуқароларнинг мол-мулки ҳамда пул маблағларини ихтиёрий асосларда жалб этиш;

— Ўзбекистон ССРнинг қонунларига мувофиқ ходимларни мустақил ёллаш ва ишдан бўшатиш;

— тадбиркорликдан Ўзбекистон ССР қонунларида белгиланган тартибда солиқ солинадиган чексиз миқдорда шахсий даромад орттириш;

— Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ ижтимоий таъминланиш ва ижтимоий суғурта қилиниш ҳуқуқларига эга.

Тадбиркор ёки у вакил қилган шахслар хўжалик юритувчи бошқа субъектларнинг ҳар қандай хатти-ҳаракатлари ва тадбиркорга қилаётган даъволари ҳамда белгиланган тартибда бериладиган жазо чоралари хусусида баҳслашишга ҳақли. Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ ҳеч қандай сўзсиз қўлланадиганлари бундан мустаснодир.

8-модда. **Тадбиркорнинг мажбуриятлари**

Тадбиркор:

— амалдаги қонунлардан ҳамда ўзи тузган битимлардан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни бажариши;

— ёлланиб ишлаётган ходимлар билан Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ меҳнат шартномалари (битимлар) тузиши;

— ишга жалб этилган барча ходимлар билан тузилган битимга мувофиқ, корхонанинг молиявий аҳволидан қатъи назар, тўла ҳисобкитоб қилиши;

— ёлланиб ишлаётган ходимларни ижтимоий ва тиббий суғурта қилиши;

— қонунларга мувофиқ махсус билим ва кўникма талаб қилинадиган ишга фақатгина зарур тайёргарликка эга, касб-кори жиҳатидан яроқли ва тегишли маълумотга эга бўлган шахсларнигина жалб этиши шарт.

9-модда. **Тадбиркорнинг масъулияти**

Солиқ ва кредит мажбуриятларининг, тузилган битимларнинг ижроси, бошқа субъектларнинг мулкий ҳуқуқларини бузганлиги, бехатар меҳнат шароитларига риоя этмаслиги, истеъмолчиларга одамларнинг саломатлигига зарар етказадиган маҳсулот етказиб берганлиги, атроф-муҳитга зарар етказганлиги, яккаҳокимликка қарши қонунларни бузганлиги учун тадбиркор ўз мол-мулки доирасида амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгар бўлади.

Ўзбекистон ССР қонунларини бузганлик учун тадбиркор мулкий ёки қонунларда кўзда тутилган асосларда, суд тартибида тадбиркорлик фаолиятини тўхтатишга қадар ўзга тарзда жавобгар бўлади.

Мулкий даъволар тадбиркорнинг меросхўрларига ҳам тааллуқли бўлади, лекин улар мерос қилиб қолдирилган мол-мулк ҳажмидан ошмаслиги керак.

10-модда. **Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва манфаатларининг кафолатлари**

Ўзбекистон ССР «Ўзбекистон ССРда мулкчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни ва ушбу Қонун, шунингдек Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тадбиркорларнинг мулкчилик муносабатлари барқарор бўлишига кафолат беради. Давлат тадбиркорлар мулкий ҳуқуқларига кафолат беради.

Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари мулкдорнинг ҳуқуқини тўхтатадиган қонун ҳужжатларини қабул этган тақдирда, шу ҳужжатлар қабул этилиши натижасида мулкдорга етказилган зарар суднинг қарорига биноан тегишли ҳокимият ёки бошқарув идораси ихтиёридаги маблағ ҳисобидан мулкдорга тўла ҳажмда тўланади.

Ўзбекистон ССР қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда ва тартибда мулкдорнинг мажбуриятлари юзасидан унинг мол-мулкига жазо чораси белгиланган тақдирдагина давлатнинг тадбиркорлик ташкилоти ихтиёридаги мол-мулкни мулкдордан тортиб олишига йўл қўйилади.

**Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1991 йил 15 февраль.

# Давр масъулиятни ва пухталикни талаб қилади

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

риб, республикалар ўз мустақиллиги ва янги ваколатлари доирасида тўла ҳуқуқли хўжайин бўлиши лозимлигини таъкидлади. Шу сабабли, деди Президент, марказ ихтиёрида фақат барча республикалар учун керакли масалалар: мудофаа, ёқилғи-энергетика соҳаси иншоотлари, темир йўл транспорти, алоқа, айрим бошқа масалалар қолиши керак.

Давлат бошлиғи Иттифоқ шартномаси лойиҳасини тайёрлаётган республикаларнинг мухтор вакиллари лойиҳани мартнинг бошларигача тайёрлаб бўлишларини, шундан сўнг ҳужжат Федерация Кенгашининг барча аъзоларига юборилишини айтди. У Иттифоқни сақлаб қолиш тўғрисида 17 март куни ўтказиладиган СССР референдуми янгиланган Иттифоқ сари дадил бориш учун имконият яратади, деб ишонч билдирди. Мен Иттифоқимизни қудратли республикалар ва қудратли марказ сифатида тасаввур қилаяпман, деб илова қилди Президент.

М. С. Горбачев Россия парламенти бошлиғининг яқинда телевидение мухбири билан қилган суҳбатини шарҳлаб бериш тўғрисидаги илтимосга жавобан бундай деди: ҳаммаси шахсий муносабатларга бориб тақалганда эди, жуда жўн бўлур эди. Гап иккита сиёсий йўналиш ҳақида, турли мақсадлар тўғрисида бормоқда. Келишмовчилик ана шунда. Менимча, Россия Олий Кенгаши Раисининг мақсадлари қайта қуришнинг режалаштирилган мақсадларига мос келмайди, деди СССР Президенти.

М. С. Горбачев ҳозир бўлган кишиларнинг жуда кўп саволларига жавоб қайтарди.

Республика парламентининг депутатлар милиция тўғрисидаги қонунни муҳокама қилаётган кечки мажлиси мамлакат Президенти билан режалаштирилмаган учрашув учун қутилмаганда бўлиниб қолди.

М. С. Горбачев парламент аъзоларига мурожаат қилиб, Белоруссия бўйлаб сафар чоғида Чернобиль авариясидан жабрланган районларга бориш ниятида эканлигини айтди. Сизлар бу ерда фалокат натижасида бошига кулфат тушган барча одамларни ҳимоя қиладиган қонунни тайёрлаш доирасида олиб борган ишни юқори баҳолаймиз, деди у. Иттифоқ бюджети эндиликда унча кўп эмас, шунга қарамай, бюджетда оғир кулфатларимизга ва аввало, Чернобиль аварияси оқибатларига тааллуқли бўлим бор. Бу кулфатда сизларни барча республикалар ёлғиз қолдирмаслигига асосланишимиз мумкин. Муаммолар қанчалик кўп бўлмасин, мураккаб вазифалар қанчалик кўп бўлмасин, ҳамма нарсадан устун турадиган жиҳатлар бор. Шунинг учун ҳам биз ҳаммамиз сизлар билан биргаликда ҳаракат қилишимизга умид қилишингиз мумкин.

Қисқача учрашув доирасида биз Белоруссиянинг, сизларнинг ҳокимият олий органларингизнинг, айниқса, ҳозир, биз қайта қуришнинг туб масалаларини ҳал қилишга киришган пайтимизда шу масалаларга доир пухта ўйланган, масъулиятли позициясини жуда қадрлашимизни Белоруссия меҳнаткашларига ва республика Олий Кенгашига айтишга рухсат этгайсиз. Бу принципиал, масъулиятли вазифадир. У турмушни яхшилик сари ўзгартириш лозимлигини тушунишни ўз ичига олади, лекин у бизга қадар олдинги авлодлар амалга оширган барча ишларга жиддий муносабатни ҳам ўз ичига олади. Бу позиция ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган, биз улкан Иттифоқимизни яхшиланиш сари ўзгартиришимиз учун зарур бўлган барча илғор талабларни ўз ичига олади. Бу гапларни сизларнинг қўнглингизни кўтариш учун эмас, воқеликни қайд этиш учун гапираяпман. Гоҳ ўнг томондан, гоҳ сўл томондан эсаётган, бунинг устига баъзан қаттиқ эсаётган шамолларга берилманг. Ҳар ҳолда энг қийин иш — йўлдан оғишмай бориш, бош йўналишимизни маҳкам тутиб, марказ кучларини мустаҳкамлаш ва қатъият билан ҳаракат қилишдир.

М. С. Горбачев Белоруссия диёридаги дастлабки кунинг ниҳоясида республика Фанлар академияси жамоаси, ижодий уюшмаларнинг ва Минск зиёлиларининг вакиллари ҳузурида нутқ сўзлади.

СССР Президенти В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Учрашувларда Белоруссия ССР Олий Кенгашининг Раиси Н. И. Дементей қатнашди.

## «ҚОВУН ДАРАХТИ» БАРГ ЁЗМОҚДА

● К. МАРКС номли жамоа хўжалиги иссиқхоналарида ўсаётган папайя ўсимликлари баҳор нафасини сезиб янги япроқлар чиқара бошлади. Аслида Ҳиндистон ва Малайзия томонларда ўсадиган бу ўсимликка Ўзбекистон иқлими жуда ёқди.

Куни-кеча жамоа хўжалиги раиси Рустам Акбаров Тошкент ноҳиясида меҳмон бўлган япониялик журналистлар Онагаки Тикаси ва Сато Сигерони ўзбек папайясини ўстириш сирларидан воқиф этди. Ҳозирча мазкур хўжаликда 70 туп эркак ва урғочи папайя ўстирилмоқда. Қовунсимон хомаклар сарғайиб пишгач, унинг уруғлари экилиб кўпайтирилади.

«Қовун дарахти» деб ном олган бу ўсимлик бозор иқтисоди даврида хўжаликка катта даромад келтириши кутилмоқда.

**(ЎзТАГ).**

## • БИР МАВЗУДА ИККИ ФИКР

**Жамият ва давлат ҳаётини демократиялаш, ошкоралик, миллий ва байналмилал онгнинг ўсиш жараёни жумҳуриятимизнинг инқилобгача ва ундан сўнгги даврлари тарихини янада кенг, чуқур ҳамда янгича ёндошиш асосида таҳлил этишни тақозо этмоқда.**

# ҲАҚИҚИЙ САНА

Ўзбекистон ССР ташкил топган сана ҳозиргача беш кун, бешта тарихий воқеа билан беш хил тарзда ифодаланмоқда:

1. 1924 йил 16 сентябрь (бу янги фикр бўлиб, «Совет Ўзбекистони» рўзномасининг 1991 йил 9 январдаги 7-сонида бир гуруҳ олимлар томонидан баён этилган).

2. 1924 йил 27 октябрь (шу кун кейинги ўн йилликлар даврида расман ҳукмрон эди).

3. 1924 йил 18 ноябрь (бу фикр ушбу сатрлар муаллифи томонидан «Правда Востока»да 1990 йил 22 мартда қисқача баён этилган).

4. 1924 йил 5 декабрь (бу кун Ўзбекистон ССР ташкил топгандан кейинги дастлабки ўн йилликларда расман тан олинган эди).

5. 1925 йил 17 февраль (бу кунни асосан доцент С. Холбоев олға суриб, бироқ у эндиликда осонгина биринчи фикрга қўшилиши билан аввалги беҳуда уринишларидан тўғри воз кечди).

Жумҳуриятимизнинг бунёд этилган куни тўғрисида шунчалик турли-туман фикрларнинг мавжудлиги шу масалага ҳар хил (3 та) асос билан ёндашувлардан келиб чиқяпти.

Бундай ёндашишларнинг биринчиси — Ўзбекистон республикаси ташкил топган сана сифатида уни барпо этиш мақсадга мувофиқлиги, ўзбек халқининг шунга ҳуқуқи бўлганлиги, шундай қилиш лозимлигини ва шундай қилинсин деган кўрсатмаларни ўзида ифодалаган тарихий ҳужжатларни асос қилиб олишдир. Бу ҳужжатлар қаторига Туркистон республикаси МИҚининг 1924 йил 16 сентябрдаги ва СССР МИҚнинг 1924 йил 27 октябрдаги қарорларини киритиш лозим.

Бу қарорларнинг тарихий аҳамиятини инкор қилмаган ҳолда шуни айтиш керакки, улар қабул этилган кунлари Ўзбекистон ССР ҳали амалда ташкил топмаган эди. Шу муносабат билан 1924 йил 16 сентябрни республикамиз барпо этилган кун деб, тан олишни таклиф этган янги фикрнинг объектив ҳақиқатга тўғри келмаслигини қисқача кўриб чиқайлик. Бунда қуйидаги далилларни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим:

а) Туркистон мухтор республикасида ўша даврда Ўрта Осиёда истиқомат қилувчи ўзбекларнинг 65,6 фоизи яшаган бўлса-да, Ўзбекистон республикасининг мустақил Бухоро ва Хоразм давлатларидаги ўзбекларнинг хоҳиш-иродасисиз ташкил қилинди, деб қараш бу масалага бир томонлама ёндашишдир. Миллий-давлат чегараланишида бутун Ўрта Осиё кўзда тутилган эди. Сўнгра Ўрта Осиё миллий давлатларини тузиш ҳуқуқини Туркистон республикаси МИҚи эмас, балки Совет ҳокимияти 1917 йилдаёқ эълон қилган эди.

б) Туркистон республикаси МИҚи қарори РСФСР МИҚи томонидан тасдиқлансагина кучга эга бўлар эди. 1924 йил 14 октябрда шундай қилинди, 27 октябрда эса СССР МИҚи уни тасдиқлади.

в) 1924 йил 16 сентябрда Ўзбекистон ва бошқа жумҳуриятлар ҳамда мухтор вилоятлар амалда бўлмасдан ҳали Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари мавжуд эди. Шундай экан, 1924 йил 16 сентябрни республикамиз ташкил топган кун деб қабул қилиш ҳақиқатга тўғри келмайди. Худди шу фикрни 1924 йил 14 ва 27 октябрга нисбатан ҳам айтиш лозим бўлади. (27 октябрдаги қарор Ўрта Осиёда миллий-давлат чегаралашишини ўтказиш учун олиб борилган расмий ҳаракатга якун ясаган эди).

Ўзбекистон республикаси ташкил топган санани аниқлаш йўлидаги иккинчи ёндашув республика амалда ташкил топгандан кейин бир неча кун, ҳатто бир неча ой ўтгандан сўнг шу далилни маълум тарихий ҳужжатда ифодаланган, мустаҳкамлаб қўйган кунни тан олишни таклиф этаётган фикрдир, яъни дефакто де-юрени ҳам талаб қилади. Бундай ҳужжатлар қаторига аввало, республика Инқилобий қўмитаси томонидан 1924 йил 5 декабрда матбуотда эълон қилинган тарихий Хитобнома киради. Унда Ўзбекистон ССР меҳнаткашларига ва бутун жаҳон халқларига ўзбек халқи миллий давлатининг бунёд этилганлиги факти тантанали равишда хабар қилинди, холос. Шундай ҳужжатлардан яна бири — Ўзбекистон Советларининг Биринчи таъсис этувчи қурултойида 1925 йил 17 февралда қабул этилган Декларациядир. Унда Ўзбекистон республикасининг ташкил этилганлиги факти қонуний равишда мустаҳкамлаб қўйилди ва унинг доимий конституцион олий органлари — Бутун ўзбек Советларининг қурултойи ва унинг Марказий Ижроия Қўмитаси таъсис этилди. МИҚнинг ўша куни ўтказилган 1-сессиясида эса Халқ комиссарлари Совет республикаси доимий ҳукумати тузилди. Демак, 17 февралда илгари туғилган чақалоққа — республикага шу ҳақда гувоҳнома — Декларация берилди, холос. Шундай экан, 1924 йил 5 декабрь ва 1925 йил 17 февраль ҳам Ўзбекистон ССРнинг ташкил топган куни деб тан олиниши мумкин эмас.

Хўш, аслида ана шундай кун борми? Ҳа, бор. У кунни аниқлаш учун масалага бўлган учинчи ёндашиш асосида фикр қилишни тавсия қиламиз, яъни шундай сана ҳақиқатан республикамизнинг амалда барпо этилганлигини ифодалаши мақсадга мувофиқдир. Бундай сана деб 1924 йил 18 ноябрни қабул қилишни тавсия қиламиз. Бундай деб ҳисоблаш учун муштарийларимизнинг эътиборини қуйидаги ҳолатларга жалб қилмоқчимиз.

Аввало, шуни келишиб олайликки, 1924 йил 18 ноябргача (ҳатто ўша куни эрталаб ҳам) Ўрта Осиёда учта давлат — Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари ҳали мавжуд эди, яшаб ва ҳаракат қилиб турган эди. Ўзбекистон ва бошқа республикалар ҳамда мухтор вилоятлар эса ҳали амалда йўқ эди. Ўша куни жуда муҳим тарихий воқеа юз берди, яъни шу куни илгариги учта республика тарихи учун охирги, сўнгги саҳифа ёзилди, янги учта республика (Ўзбекистон, Туркманистон ва Тожикистон) ҳамда иккита мухтор вилоят (қирғиз ва қорақалпоқ)лар тарихининг биринчи саҳифаси очилиб, унда янги давлат тузилмаларига ҳаёт бахш этилганлиги битилди.

Бу тарихий воқеанинг қисқача мазмуни ва моҳияти қуйидагича:

Биринчидан, 1924 йил 18 ноябрь куни Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларининг МИҚлари Ўзбекистон ССРни вақтинча бошқариб туриш, Ўзбекистон республикаси Советларининг таъсис қилувчи қурултойини чақириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш учун Ўзбекистон ССР Инқилобий қўмитасини ташкил этиш тўғрисида қўшма қарор қабул этдилар.

Иккинчидан, 1924 йил 18 ноябрда Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари МИҚлари ўзларини, у ердаги ҳукуматлар ва бошқа марказий давлат маҳкамаларини шу кундан эътиборан тугатилган деб ҳисоблаш ҳамда бутун давлат ҳокимиятини янги республикалар ҳудудида тегишли Инқилобий қўмиталарга берилганлиги тўғрисида ҳам махсус қарор қабул этдилар, яъни собиқ ва янги республикалар ўртасида давлат ҳокимиятини топшириш ва қабул қилиш содир бўлади.

Учинчидан, Ўзбекистон ССР Инқилобий қўмитаси ўша куниёқ ўзига юклатилган вазифани — яъни республикамиз ҳудудида муваққат ҳукумат сифатида бутун ҳокимиятни амалга оширишга киришди. Ҳатто шу куни Инқилобий қўмитанинг 1-буйруғида унинг Раиси Ф. Хўжаевнинг ўз ваколатини ўташга киришганлиги ҳам расман эълон қилиниди. Шундай экан, **Инқилобий қўмитанинг тузилиши ва ўз вазифаларини адо этишга киришганлиги, давлат ҳокимиятининг собиқ жумҳуриятлардан янгиларига ўтиши Ўзбекистон ССРнинг 1924 йил 18 ноябрда амалда юзага келганлигини кўрсатиб турибди.**

**У. ЧОРИЕВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг сектор мудири, юридик фанлари доктори.**

**Мамлакатимизда ўтказилаётган муҳим тадбирлар, қайта қуриш ва демократиялаш, ошкоралик ўлкамиз тарихини ўрганиш ва ёритиш учун қулай шароитлар яратмоқда.**

**1990 йил муҳим сиёсий, иқтисодий ва маданий воқеаларга бой бўлди. Лекин ўтган йили халқимиз Ўзбекистон ССР ташкил топган санани нишонламади. Нега?**

# ХАЛҚЛАР ХОҲИШ-ИРОДАСИ

Бу саволга жавобни «Совет Ўзбекистони» рўзномасининг 1989 йил 2 август, 1990 йил 16 май, 1991 йил 9, 15 январь сонларидаги фан ва маданият арбоблари, таниқли тарихчи олимларимиз мақолаларидан излаш мумкин.

Зотан, ушбу рўзноманинг 9 январь сонида бир гуруҳ ижтимоий соҳа олимларининг «Ўзбекистон ССР ташкил этилган сана хусусида»ги мунозара мақоласи Фарғонадаги кенг жамоатчилик ва талабаларда қизиқиш уйғотди. Айниқса, Фарғона давлат педагогика олий билимгоҳи тарих куллиётининг профессор-ўқитувчилари ва талабалар жамоаси 15 январь куни эълон қилинган Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор Р. Аминова ҳамда тарих фанлари номзоди М. Жўраевларнинг «Тарихий ҳақиқатни кўзлаб» мақоласидан қониқиш ҳосил қилди. Бу мунозарали мавзуга мен ҳам ўз фикрларимни билдирмоқчиман.

XIX асрнинг иккинчи ярмида чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиши натижасида барча миллий қадриятларга путур етказилиб, Туркистон ўлкаси Россия савдо капиталининг яхлит эксплуатация колониясига айланган, ўзбек халқи эса бошқа маҳаллий халқлар қатори Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонликларига бўлиниб кетди. Натижада меҳнаткаш халқ оммаси давлатни бошқарув ишларидан четлаштирилди. Миллий урф-одатлар пароканделикка юз тутди.

1917 йилдаги Улуғ Октябрь социалистик инқилоби ўлка халқларига уларнинг азалий орзу-умидлари — миллий бирлашув ва давлат тузилиши учун кенг йўл очиб берди. РСФСР таркибида тузилган Ўрта Осиёдаги дастлабки мухтор давлат тузилмаси — Туркистон республикаси эълон қилиниши (Советларнинг V— Ўлка съезди, 1918 йил 20 апрель — 1 май) ўзбек ва бошқа халқларнинг миллий совет давлатчилигини бунёд этиш йўлида муҳим самара бўлди. Ниҳоят, 1920 йилда Хоразм ва Бухорода Халқ Шўро республикалари ташкил топди.

Туркистон Мухтор Совет Социалистик Республикаси (ТМССР), Бухоро ва Хоразм Халқ Шўро Республикаларидан иборат давлат тузилмалари кўп миллатли Ўрта Осиё халқларининг сунъий равишда ажратиб қолганлигини кўрсатди, яъни бундан буён ўлкада Совет давлатининг миллий сиёсатини тўлақонли амалга ошириш ва ижтимоий-иқтисодий ишларни юритишда жиддий қийинчиликларни келтириб чиқарганлиги яққол кўзга ташланди. Айниқса, Туркистон МССР ҳудудида яшаётган ўзбекларнинг Бухоро Халқ Совет Республикаси, Хоразм Халқ Совет Республикаси каби (БХСР ва ХХСР)даги ўзбек халқлари билан. Турк республикадаги туркман халқларининг ХХСР ва БХСРда яшаётган ҳаммилатлари билан бирлашувчи, тожик ва қирғиз меҳнаткаш халқлари учун ҳам мустақил давлат тузилмалари барпо қилиш Совет давлати ва Коммунистик партиянинг диққат марказида бўлди. 1924 йилнинг иккинчи ярмида Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари меҳнаткашлари ўртасида ҳамда маҳаллий матбуотида миллий-давлат чегараланишини ўтказиш масаласи кенг муҳокама қилинди ва у аҳоли томонидан тўла қўллаб-қувватланди.

1924 йил 15 сентябрда Свердлов номли театр биносида Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг ўлкада миллий давлат чегаралашишига бағишланган навбатдан ташқари махсус сессияси иш бошлади. Сессия йиғилишида Ўрта Осиёда яшаётган барча ерли халқларнинг вакиллари, Коммунистик партия, касаба уюшмалари ва «Қўшчи Союзи» вакиллари қатнашдилар.

Сессиянинг иккинчи куни — 16 сентябрда қабул қилинган тарихий қарорнинг биринчи банди матнидаги мазмун қуйидагича бўлди: «Сессия ўзбек халқининг ишчи ва деҳқонлари умумий хоҳиш-иродаси ва истакларини ифодалаган ҳолда уларга Туркистон Мухтор Совет Социалистик Республикаси таркибидан чиқиш ва мустақил Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасини тузиш ҳуқуқини беради». Тарихий, адолат нуқтаи назаридан талқин этилса, ушбу кун — **1924 йил 16 сентябрь Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил этилган кун, деб белгиланса ва умумхалқ байрами сифатида нишонланса мақсадга мувофиқ бўлур эди.**

Чунки юқоридаги қарорда ёзилган «Ўзбекистон халқининг ишчи ва деҳқонлари умумий хоҳиш-иродаси ва истакларини ифодалаган ўзбек халқига...» сўзларини алоҳида таъкидлаш лозим ҳамда Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси ва унинг навбатдан ташқари сессиясининг ўша даврда олий ҳокимият органи сифатида фаолият кўрсатганлигини ҳам ҳисобга олмоқ зарур.

Ушбу тарихий кун ўша даврда маҳаллий матбуот, шунингдек, марказий рўзнома ва ойномаларда кенг ёритилган эди. Улар орасида «Туркистон ҳақиқати» («Туркестанская правда»)нинг 1924 йил 16 сентябрь (206-483 рақамли сонида сешанба куни чоп этилган «Улуғ байрам» мақоласи диққатга сазовордир. Унда айтилишича, Тошкент шаҳри 16 сентябрь куни байрамона тусга кирган. Шу куни кўча ва маҳаллаларда қизил байроқлар илинган бўлиб, меҳнаткашларнинг кайфияти баланд бўлган. Бироқ куннинг иккинчи ярмида савдо дўконлари беркилиб, шаҳар бўм-бўш бўлиб қолади. Кечга яқин эса шаҳар яна жонланади. Бу пайтда эски шаҳардан тўхтовсиз оқиб келаётган оломон Свердлов номли театр олдига тўпланади. Уларга шаҳар атрофидан ҳам отлилар, от қўшилган аравалар, шунингдек, пиёда келаётган деҳқонлар қўшилади.

Йиғилганлар орасида чопон кийган, паранжи ёпинган, ҳарбийча кийинганларни ҳам учратиш мумкин эди. Йиғилганлар ҳаяжонли ва шодон эдилар. Барчанинг нигоҳи саҳнада илинган Ўрта Осиёнинг катта этнографик харитасига қаратилган.

Қизил, кўк, яшил ва сариқ ранглар билан белгиланган жойлар ўзбек, қирғиз, тожик, туркман ва қора-қирғизларнинг ҳудудлари бўлиб, собиқ чор колонияси энди шундай мустақилликка эришди.

— Ўзбекистон республикаси... Ўзбекистон... Бу сўзлар кекса деҳқоннинг лабидан айтилган дил сўзлари эди.

Ҳа, бу кун даврлар, замонлар оша чандиқларга шифо бериб эди.

«Туркистон ҳақиқати» («Туркестанская правда») рўзномасининг 17 сентябрь сони ҳам тантанавор ва байрамона безаклар билан чиқарилди. Унинг биринчи саҳифасида «Туркистон МССР Ижроия Қўмитасининг Туркистон ва Ўрта Осиёнинг барча халқларига Мурожаатини ва Туркистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиби И. Варейкиснинг мақоласини эълон қилди. Иккинчи саҳифа Туркистон МССР Ижроия Қўмитасининг навбатдан ташқари сессияси ҳақида маълумот ҳамда Свердлов номли театр биноси олдидаги меҳнаткашлар намойишини тасвирловчи чизгилар билан безалган эди.

Юқорида баён этилган фикрлардан хулоса қилиб, **1924 йил 16 сентябрни Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси куни, деб ҳисоблашни ва ушбу кунни умумхалқ байрами сифатида нишонлашни таклиф этаман.**

**Тўлқин ЗОҲИДОВ,**
**Улуғбек номидаги Фарғона давлат педагогика олий илмгоҳининг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди, доцент.**

## «Ўзбекистон ССР ташкил этилган сана хусусида»ги мақолани ўқиб

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАШКИЛ ЭТИЛГАН САНА ХУСУСИДА МУШТАРИЙЛАРДАН ТУРЛИ МАВЗУДА ХАТЛАР ОЛМОҚДАМИЗ. МАЗКУР САНАНИ ҲАЛ ЭТИШ КОМИССИЯСИ ЎЗ МУҲОКАМАЛАРИДА БУНГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРАДИ ДЕБ ЎЙЛАЙМИЗ.**

## • ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

# «Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунини кучга киритиш тартиби ҳақида

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни эълон қилиниши билан кучга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, бундан буён Ўзбекистон ССР Қонунлари «Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мослаштириб ўзгартирилгунга қадар Ўзбекистон ССРнинг ушбу Қонунга зид бўлмаган амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланаверади.

3. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Кабинетига қуйидаги вазифалар топширилсин:

— уч ой муддат ичида сотиб олинадиган, сотиладиган ҳамда акциядор жамиятга ва чекланган даражада жавобгар бўладиган жамиятга айлантириладиган давлат корхоналари ва ташкилотларининг мол-мулкини нархлаш тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш;

— бир ой муддат ичида «Ўзбекистон ССРдаги хусусий тадбиркорлик тўғрисида Низом»ни ишлаб чиқиш;

— рўйхатдан ўтмаган тадбиркорлик ташкилотлари орттирган даромадларни давлат фойдасига олиб қўйиш тартибини белгилаш;

— 1991 йилнинг 1 мартига қадар Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг қўмиталари билан келишилган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ман этиладиган мансабдор шахсларнинг рўйхатини тасдиқлаш;

— 1991 йилнинг 1 июнига қадар Ўзбекистон ССР қонун ҳужжатларини «Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мослаштириш ҳақидаги таклифни Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатига киритиш;

уч ой муддат ичида Ўзбекистон ССР Ҳукуматининг қарорларини «Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мувофиқ ҳолга келтириш; Ўзбекистон ССР вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг ушбу Қонунга зид норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминлаш.

4. Ўзбекистон ССРнинг халқ депутатлари маҳаллий Советлари, уларнинг ижроия идоралари корхоналар, бирлашмалар, ташкилотларнинг хўжалик фаолиятига нотўғри аралашишдан иборат одатни тарк этсинлар, тадбиркорлик субъектлари билан ўз муносабатларини амалдаги қонунлар ҳамда тузилган шартномалар асосида қурсинлар.

**Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси М. ИБРОҲИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1991 йил 15 февраль.

# ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ МАЖЛИСИ

Республика Давлат банки бошқарувининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Унда республика, вилоят ва тижорат банкларининг раҳбарлари, давлат банки техникумларининг директорлари ва республика банкларининг масъул ходимлари ҳам иштирок этдилар. Банк муассасаларининг 1990 йилги иш якунлари ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонундан ҳамда Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг республикада бозор муносабатларини ривожлантиришга доир қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

Пул ва қарз бериш пул муомаласини мустаҳкамлашнинг ҳамда республика молиявий аҳволини соғломлаштиришнинг таъсирчан омиллари бўлмай қолди. 500 га яқин корхона, ташкилот, муассаса ва хўжалик ўтган йилни зарар билан якунладилар.

Республика Давлат банки бошқаруви барча банкларга хўжалик идораларига кредит-ҳисоб-китоб хизматидаги камчиликларни тугатиш, миллий иқтисодиётда рўй бераётган жараёнларни иқтисодий таҳлил этиш доирасини ошириш, кооперативларга асоссиз равишда нақд пул берилишига йўл қўймаслик, жумҳурият бозор муносабатларига ўтиши чоғида аҳоли маблағларига компенсация тўлаш учун манбаларни қидириб топиш имкониятларини таҳлил этишни тавсия қилди.

Мажлис қатнашчилари банкларнинг республика иқтисодиётини яхшилашга муайян таъсирини таъминлаб, уларнинг ишидаги мавжуд камчиликларни тугатишга қаратилган бир қанча аниқ таклифларни киритдилар.

Бошқарув мажлисида Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — республика умумиқтисодий комплексининг раҳбари Б. С. Ҳамидов нутқ сўзлади. **(ЎзТАГ).**

## Қайта қуриш ва ижтимоий адолат

**Ўзбекистон ССР Президенти маҳкамаси ҳузурида Ташкилий ва кадрлар билан ишлаш бўлими таъсис этилди. Қуйида шу бўлимнинг мудири, иқтисод фанлари номзоди Мавлон Бобожонович УМУРЗОҚОВ билан бўлган суҳбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.**

**— Мавлон Бобожонович, Президент Маҳкамаси ҳузурида иш бошлаган янги бўлимнинг асосий вазифалари нималардан иборат! У олдин шу соҳада ишлаб келган ёки ташкил этилаётган бўлимлардан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади!**

— Тўғри, Президент маҳкамасида Ташкилий ва кадрлар билан ишлаш бўлими яқинда таъсис этилди. Бизнингча, бу бўлим кадрлар билан ишлаш сиёсатига қайта қуриш руҳига хос янгича қараш ва тоза ҳаво олиб кириши керак. Ҳозирга қадар бу йўналишдаги ишлар билан асосан Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг Ташкилий-партиявий ва ҳуқуқ бўлими шуғулланар эди. Энди эса Марказқўм бўлими асосан партия органларининг кадрлари билан шуғулланади, совет хўжалик ва бошқа соҳа кадрларини танлашда эса, фақатгина маслаҳат тариқасида тавсия этиш ҳуқуқига эга.

Бўлимнинг асосий вазифалари республикамиз меҳнаткашларининг мақсад ва эҳтиёжларидан келиб чиқади. Ҳозирги пайтда энг асосий масала ва вазифа — республика аҳолисининг моддий ва маънавий турмушини яхшилашдир. Бу эса, албатта биринчи навбатда, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида етук, ишбилармон, ташаббускор, тадбиркор кадрлар бўлишини тақозо этади.

**— Кадрларни танлаш принципи илгаригидек номенклатура рўйхати асосида амалга оширилади-ми ёки шахсий қобилиятига эътибор қилинадими!**

— Аввалги кадрлар сиёсатидаги энг катта хатоларимиздан бири — «анкетага» қараб «силлиқ» кадрларни танлаб олишга маҳкумлигимизда эди. Бунда кадрларнинг қобилияти, салоҳияти, ишбилармонлиги иккинчи даражали бўлиб қолаверарди. Муҳими, бирор ҳайфсан ёки бошқа партиявий жазо олган-олмагани асосий мезон эди. Кадрлар анкетасида етти пуштигача суриштирувчи саволлар бўларди. Фақат «қариндош-уруғи судланган» деб босилган тамға у ёки бу одамнинг шахсий фазилатларидан қатъи назар, ишга олинмаслиги учун етарли «асос» ҳисобланарди. Фараз қилинг, «Пахта иши» бўйича республикамизда минглаб кишилар қамалди. Ҳозир кўпчилигининг ноҳақ қамалганлиги исботланиб, оқланиб чиқишмоқда. Агар уларнинг ҳар бирининг ўртача 30 тадан ака-ука, қариндош-уруғлари бўлган бўлса, демак минглаб киши ўша «тамға» туфайли раҳбарлик лавозимларига қўйилмаслиги керак... Табиийки, эскича ишлаш — инсонни Конституцион ва инсоний ҳуқуқларини йўққа чиқариши ўз-ўзидан аён. Эскича ишлаш кадрлар сиёсатидаги энг катта фожиамиздир. Юқоридаги аҳвол қобилиятсиз кадрларни бошқарув органларида аксарият тўпланиб қолишига сабабчи бўлиб келди. Қолаверса, бугунги маданиятимиз ва маънавиятимиздаги, иқтисодиётимиз, сиёсатимиз ва халқ хўжалигимиздаги оғир аҳвол тасодиф эмас. Шунинг учун ҳам биз кадрлар танлаш принципида, албатта, катта ўзгаришлар ясалиши лозим, деб биламиз. Ҳозир республика раҳбарияти томонидан «анкета»даги «сип-силлиқ» кадрларгина эмас, ҳақиқий ишбилармон, ташаббускор кадрлар танлашга асосий эътибор қаратилмоқда.

**— Ўзингизга маълум, шу пайтгача бизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда «маҳаллийчилик касали» бор эди. Янги бўлимда бу муаммони бартараф этиш қандай йўлга қўйилади?**

— Бу «касал»ни ҳам инкор этиб бўлмайди. Энг биринчи галда кадрлар тақдирини ҳал этишда инсоф ва адолат бўлмоғи лозим. Айнан ўша инсоф ва адолатнинг йўқлиги кўп ҳолларда ишимизга панд беради. Яқинда район раҳбарларидан бири шундай воқеани ҳикоя қилиб қолди: болаларни пахтадан олиб қайтаётган автобус поезд билан тўқнашиб ҳалокат юз берди. Обком бюроси бу ҳолга ўзининг баҳосини бериш мақсадида район раҳбарларидан бир қанчасини қаттиқ жазолади, айримлари эса вазифасидан бўшатилди. Ўша кечаси, — суҳбатда давом этади район раҳбари, — саҳаргача эшигимдан одам аримади. Келувчиларнинг асосий қисми районда катта-кичик раҳбарлик курсисида ўтирган кишилар. Ҳаммасининг мақсади битта: қандай қилиб бўлса-да бўшаган юқорироқ лавозимлардан бирини «ишғол қилиш»... Бир тарафда аза, иккинчи тарафда амалпарастлик хуружи! Ахир одамларнинг шахсий кулфатидан ўз манфаати йўлида фойдаланиб қолишни ўйлаганлар қандай қилиб раҳбарликка даъво қила олишсин?

«Маҳаллийчилик касали»га кескин зарба бермай туриб, ижтимоий адолатни қарор топтириб бўлмайди. Бу «касал»нинг яна бир кўзга кўринмас нозик жиҳати ҳам борки, айрим юксак мартабали раҳбарлар атрофида тўпланган кишилар (ўринбосарлар, маслаҳатчилар, ёрдамчилар ва ҳоказолар) нотўғри маълумотлар бериш, раҳбарни чалғитиш эвазига, халқ билан масъул шахслар ўртасига шундай бир йиқиб бўлмас «хитой девори» тиклайдиларки, натижада одамларнинг миясига «ҳамма раҳбарлар бюрократ» деганга ўхшаш фикрлар ўрнашиб қолади. Бундай хатти-ҳаракатлар халқ билан раҳбарият ўртасида пайдо бўлиб турадиган зиддиятларни юмшатиш ўрнига, аксинча, кескинлаштиради. Раҳбар атрофидаги одамларнинг «ташаббуси» билан бўладиган бундай ҳолатлар баъзан кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин. Назаримда, биз масаланинг бу томонини ҳам кўздан қочирмаслигимиз керак.

**— Инсон қобилияти, кадрларнинг ишчанлик салоҳияти доимо ҳам бўртиб, кўзга ташланиб турадиган сифатлар эмас, албатта. Тажрибадан келиб чиқиб, ишчанлик ва қобилият салоҳиятини белгилашда нималар асос бўла олади дея оласиз!**

— Фикрингизни тушундим. Агар кадрларнинг ҳамма сифатлари ичида энг муҳими ва энг қадрлиси нима, дегудай бўлсангиз, мен ҳар қандай ҳолатда ҳам шахсий манфаатдан жамият ва давлат манфаатларини устун биладиган кишилар ҳозир ҳар қачонгидан ҳам зарур деган бўлардим. Республиканинг бугунги тақдири ана шундай кишиларнинг фидойилигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бироқ, афсуски инсонда бундай сифатлар доимо ҳам бўртиб кўриниб ва ҳар қадамда намоён бўлавермаслиги мумкин. Ҳар ҳолда, инсонга кенгроқ маънода, узоқни кўра билиш фазилатларига қараб баҳо берса ёмон бўлмайди. Афсуски, айрим ҳолатларда «лаббай»чилар, «чаққон қўлли» кишилар ўзларини ишбилармон қилиб кўрсатишга муваффақ бўлишади. Биз бундан эҳтиёт бўлишимиз керак. Эсласангиз керак, фалсафада мазмун ва шакл категорияси бор. Фикримча, мазмун доимо шаклга сиғмаслиги ва у вулқондек отилиб туриши лозим. У ёки бу кадр ўз ғайрати ва қобилияти билан ўз иш ўрнига «сиғмас»лиги, қайнаб туриши керак. Пассивлик эса у ёки бу участкада энг яхши ташаббусларни сўндиришга олиб келади. Бундай майда «чўкиш»лар республика миқёсида эса катта ўпирилишларга олиб келиши мумкин.

**— Аввалари раҳбарлик лавозимларига фақат КПСС аъзоларигина тайинланарди. Мана, энди давр ўзгариши билан кўп партиялилик томон боряпмиз. Бу масала қай йўсинда ҳал қилиняпти!**

— Давр ўзгариши ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам сиёсат, иқтисодиёт, маданият ва бошқа соҳаларда рўй бераётган ўзгаришларга табиий жараён, деб қарамоқ зарур. Бироқ шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бу ўзгаришлар ҳам пала-партиш бўлмасдан, маълум бир система асосида амалга оширилиши керак.

Дарҳақиқат, аввалари раҳбарлик лавозимларини асосан КПСС аъзолари эгалларди. Энди-чи? Албатта, ҳозир бу борада юз бераётган ўзгаришлардан кўз юмиб бўлмайди. Республика, вилоят, шаҳар ва районларда раҳбарлик лавозимларига партиясизлар ҳам ўтмоқдалар. Партия аъзоларига ҳам муносабат худди шундай. Фикримча, раҳбар лавозимини эгаллаш учун қайси партия аъзоси бўлишидан кўра, ўша одамдан халқ амалда қандай наф кўради, у ўз ҳаракати билан эл дастурхонига нима олиб келади, республиканинг иқтисодий инқирозидан чиқишига ўзининг қандай улушини қўшади, шу жиҳатлари муҳимроқдир. Ёки КПСС аъзоларининг иштирокини олайлик. Кўппартиялилик даври келди деб сунъий равишда тажрибали раҳбарларни суриб қўяверишдан ҳам ижобий натижа бермайди. Ахир, ўйлаб кўринг, олий маълумотли бир мутахассисни тайёрлашга давлат томонидан неча минг сўмлаб маблағ сарфланади. Шундай экан, қолаверса, бир кадр раҳбар лавозимга чиққунга қадар унга кетган давлат харажатидан ташқари, ҳеч қандай пул билан ўлчаб бўлмайдиган тажриба ва малака масаласи ҳам бор ўртада. Бу томонларини ҳам назардан қочирмаслик лозим. Агар бу масалага ҳуқуқий томондан ёндашсак, у ёки бу кадрга қайсидир сиёсий партияга мансуб ёки мансуб эмаслиги мезон бўлмаслиги керак, акс ҳолда, бу фуқаро ҳуқуқини оёқ ости қилишнинг ўзгинасидир.

**— Баъзи бир маълум ташкилотлар бўлади-ки, шу пайтгача уларни фақат бир миллатга мансуб кишилар бошқариши одат тусига кириб қолганлиги сир эмас. Бу масалаларга ёндашишда қандай ўзгаришлар кутиш мумкин!**

— Минг афсуски, бундай ҳол мавжуд эди, ҳатто ҳозир ҳам ўша сиёсат таг-томири билан барҳам топгани йўқ. Бу, энг аввало, партиянинг миллий ва кадрлар сиёсатига зид бўлиб, ленинча принципларнинг бузилиши ёки нотўғри талқин қилиниши оқибати ҳам эди. Шунинг учун ҳам бундай сиёсатга норозилик фақат бизнинг республикада эмас, балки мамлакатнинг бошқа регионларида ҳам пайдо бўлганлигидан кўз юма олмаймиз. Аксинча, уларга тийран кўз билан қарашимиз ва чуқур мушоҳада юритишимиз лозим.

Ахир ўйлаб кўринг, қайси ташкилот ёки корхонани олманг, асосан ўринбосар бошқа миллат вакили бўлиши шарт эди. Айниқса сўнгги йилларда давлат хавфсизлиги қўмитаси, ички ишлар, прокуратура органларида асосан марказдан келган одамларгагина ишонч билдириб келинганлигини қандай баҳолаш мумкин? Бу маълум маънода маҳаллий миллат кадрларига, халқига ҳурматсизлик эмасми? Урф-одатимиз, миллий анъаналаримиз, маданиятимизни билмасдан туриб, улар томонидан шошма-шошарлик билан қабул қилинган қарорлар қандай оқибатларга олиб келди? Моддий ўпирилиш бир ёқда турсин, минглаб хонадонлар тепасида «қатағон» йилларининг совуқ қиличи кўтарилди, эл ардоқлаган юзлаб кадрларимиз бир умр майиб-мажруҳ бўлдилар. Қабрлар топталди, табиийки, миллий низолар кучайди. Кечагина ака-укадек, опа-сингилдек, ота-боладек бўлиб юрган турли миллат вакиллари ўртасига совуқчилик тушган ҳоллари бўлди.

Бироқ шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, кадрлар муаммосининг шу даражага келиб қолишида ўзимизнинг ҳам айбимиз бор. Мажлисларда, съезд минбарларидан туриб баралла «кадр беринг», «бу аҳволдан чиқишнинг ягона йўли марказдан кадр юбориб, ёрдам бериш» деган чақириқлар ўзимиздан чиққан, баъзи лавозим эгаларининг кечаги шиорлари эмасмиди? Шу ўринда шоирнинг «Гадо бўлдинг, гадолигинг ўзингдан...» деган мисраси ёдга тушади. Итоаткорлигимиз, қатъиятсизлигимиз оқибатида шундай ҳолга тушиб қолган эдик.

Республика раҳбариятининг бу борада олиб бораётган ишлари ҳаммага маълум. Айрим вилоят, шаҳар, район, партия қўмиталарининг иккинчи котиблари, қорхона ва ташкилотлар раҳбарларининг муовинлигига ҳам муносиб кадрлар тайинланмоқда. Сиз тилга олган ташкилотларда ҳам кейинги пайтларда катта ўзгаришлар бўлди. Энди биринчи навбатда кадрларнинг шахсий қобилияти асосий шарт қилиб олинмоқда.

Шу билан бирга қайд этиб ўтмоқ даркор, республикамизда истиқомат қилаётган бошқа миллат ва элатга мансуб бўлган кадрлар ҳам асло камситилмаслиги керак. Ишчанлик, қобилияти борми, қайси миллатга мансуб эканлигидан қатъи назар, улардан ўз ўрнида фойдаланиш зарур. Умуман, шуни айтмоқчиманки, кундалик ҳаётимизда бир миллатни иккинчи миллатга қарама-қарши қўйишдан сақланишимиз керак. Бу борада К. Маркснинг «Бошқа халқларни эзувчи халқ ўзига ўзи кишан тоблайди», — деган сўзларини эслатиб қўйиш ўринли бўларди.

**— Бир пайтлар хотин-қизлардан раҳбар сайлаш «урф»га айланганди. Кўпинча улар ишчанлик қобилияти ёки бирор фазилатига қараб эмас, тўғридан-тўғри аёл бўлганлиги ва аёл киши раҳбар бўлиши шарт эканлиги учунгина тайинланарди. Янгича шароитда бу масалага қандай ёндашилади!**

— Биласизми, агар ўтган йиллардаги кадрлар сиёсатига танқидий кўз билан эмас, шунчаки, таҳлил нуқтаи назаридан ёндашсангиз ҳам, албатта, сиз қайд қилиб ўтгандек «урф»га айланган ҳолатлар кўзга ташланади. Бир қарасангиз, ҳамма лавозимларга инженерлар тайинланиши лозим деган шиорлар, иккинчи маротаба ўқитувчилар, сўнг яна бошқа мутахассислар ва ҳоказо. Хотин-қизлардан раҳбар тайинлаш ҳам худди ўшандай кампанияларнинг бир босқичи эди. Сўнгги пайтларда раҳбар аёллар тобора камаймоқда, деган фикрлар ҳам пайдо бўлмоқда. Бу масалага, шунчаки, қуруқ «талаб» билан ёндашиб бўлмайди. Ҳозир республикамиз халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида аёллардан муносиб вакиллар бор. Юқорида айтганимиздай, раҳбарликка тайинлаш ёки сайлаш у аёл ёки эркак эканлиги учун эмас, балки фақат шахсий қобилияти салоҳиятига қараб сайланиши керак. Инсон тақдири билан ўйнашувчи сиёсат ҳар қандай ҳолда ва ҳар доим инқироз билан тугайди. Аёлларни эъзозлаш, ҳурмат қилиш керак. Бироқ бу ҳурмат-эътибор уларни раҳбар лавозимларга тайинлаш билангина ифодаланмаслигини таъкидлашни истардим. Аёл меҳрибон она, уй бекаси ва яхши турмуш ўртоғи бўлиши билан ҳам ардоқли ва суюклидир, албатта.

**— Мавлон Бобожонович, ўзингиз ҳам комсомол ва партия органлари тарбиясини ва тажрибасини олган кадрсиз. Табиийки, уларнинг илгариги иш услуби асорати сизда ҳам бўлиши мумкин. Энди сизга дин аҳллари билан ҳам тез-тез мулоқотда бўлишга тўғри келади. Шу пайтгача бир-бирига қарама-қарши қўйиб келинган икки гоя кишилари ўртасидаги муносабат қандай кечаркин!**

— Назаримда, дунё фақат оқ ва қора рангларгагина иборат деб уқтириб келишганига қарамай, комсомол ва партия ходимлари орасида ҳам оламнинг ранг-баранглигига ишонувчилар, уни тўлалигича ҳис қилувчилар ҳамиша бор эди. Динга расмий муносабатни ёқламовчилар, «жанговар» атеизмга шубҳа билан қаровчилар, «қувғин»ларни қўллаб-қувватловчилар бундай ташкилотлар сафида ҳамиша бор бўлган. Чунки, дин халқ ҳаёти, турмуши ва расм-русумлари билан шу қадар қоришиб кетганки, уларни дафъатан ажратиб олиш ниҳоятда мушкул эканлигини унутмаслик керак. Дунёни фақат оқ ва қора рангларга бўлиш маданиятимиз ва маънавиятимизда мисли кўрилмаган йўқотишларга олиб келганлиги ҳам маълум. Бу фожиаларни юраги билан сезганлар доимо бу тор қарашлардан ўзларини четга олишга ҳаракат этганлар. Тарихдан маълумки, бу қарашнинг истиқболи йўқлигини ҳис этиб, исён кўтарганлар ўттизинчи, эллигинчи йилларда тўғридан-тўғри қатағон аждаҳосига емишликка жўнатилган...

Маълумки, қайта қуриш йилларида ҳам партия ва комсомол ходимларининг анчагина қисми «диндор»лиги учун қувғинга учради.

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов бу даврни шундай изоҳлайди: **«Ахир яқиндагина эмасмиди, коммунист, айниқса, агар у юқорироқ лавозимда бўлса, ўз яқин кишилари билан охирги марта видолашиш учун қабристонга ҳам боролмасди. Дафн маросимида иштирок этиш энг катта айб саналиб, бу кишини партиядан ўчириб, ишдан бўшатишарди. Виждон азобидан сал бўлсада қутулиш учун, айни пайтда йиллар бўйи меҳнат қилиб эришган имтиёзларидан маҳрум бўлмаслик учун одамлар қариндош-уруғлари, ҳатто ота-оналари вафот этганда касалхонага ётиб олишар ёки «шошилинч» командировкага кетиб қолишар эди. Ана шундан кейин ҳам биз, одамлар ҳеч нимага ишонмай қўйишган, уларда ҳеч қандай муқаддас нарса йўқ, деб айтишга қандай тилимиз борар эди? Бинобарин, динга нисбатан иккиюзламачилик энг хунук шакллар тусини олди».** («Известия, 1991 йил 29 январь).

Албатта, саллани ол деса, каллани олиб келадиганлар ҳам топилди. Аммо, улар қайси даврда йўқ? Эндиги вазифа — мансаби учун ҳамма нарсани қурбон этишга тайёр турган мана шундай эътиқодсиз кимсалардан илож борича халос бўлишдир.

Диндорлар билан муносабатимизга келсак, мамлакат Конституциясида виждон, эътиқод эркинлиги ўз ифодасини топган. Биз шунга амал қиламиз. Яна бир таъкидламоқчиманки, ҳалоллик, ишбилармонлик, эл-юрт ишига фидойилик кадрларни танлашда ягона ўлчовимиз бўлиши керак. Ҳар бир салоҳиятли, ҳар бир виждони уйғоқ ташкилотчи одам эътиқоди учун таъқиб этилмаслигини истаймиз ва шу йўлда тинмай иш олиб борамиз.

**— Агар кўнглингизда биз бермаган саволларга жавоблар қолиб кетган бўлса, марҳамат.**

— Биласизми, мени қийнаган саволу, уларга топган-топмаган ёки излаётган жавобларнинг чеки йўқ. Ҳозир улардан бирини ва энг асосийсини тилга олмоқчиман. Ровийлар шарқнинг машҳур алломаси Абулқосим Фирдавсий ҳақида шундай ривоят қиладилар: аллома ўзининг «Шоҳнома» асари устида ўттиз беш йил ишлайди. Асар ниҳоясига етгач, яна йигирма йил уни қай бир шоҳга инъом қилсам экан, деган фикрда юради ва ўша йиллари тахт тепасига келган Маҳмудшоҳга (кўзига адолатлироқ кўрингани учун бўлса керак) совға қилади. Шоҳ эса шоирнинг 55 йиллик меҳнати меваси бўлган асар эвазига бор-йўғи бир ҳовуч кумуш ҳадя этади. Ўзининг адашганини билган аллома кумушнинг бир қисмини ҳазинабонга, бир қисмини ҳаммом ходимига ва яна бир қисмини бева-бечораларга улашиб, шаҳардан чиқиб кетади... Вақти келиб, ўз хатосини англаб етган шоҳ шоир яшаётган қалъага бир карвон олтин-кумуш жўнатади... Афсус қалъанинг бир дарвозасидан олтин ортилган карвон кириб келаётган чоғда иккинчи дарвозадан алломанинг тобути чиқиб бораётган эди...

Саъдий домла айтганларидек:

**Агар қайси ерда ғариб хўрланур,**
**У хил мамлакат тез вайрон бўлур...**

Юқоридаги мисоллар билан айтмоқчи бўлганим, бизда ҳам, афсуски, кишиларга тириклигида кам эътибор берилади. Умрлари якун топгач «эсиз» деб пешонамизга муштлаймиз. Раҳбарларимизга эса, аксинча, тирикликда бор-йўқ яхши сифатларни ёпиштираверамиз. Ҳолдан кетгунча мақтаймиз. Аммо, улар қайтиш қилгудай бўлса, кечаги гапларимизда «чирт» кўз юмиб, унинг хатосини ахтарамиз... Топамиз, ҳам... Қабрларини бузамиз, гўрдан олиб-гўрга соламиз! Бир неча йиллаб ноҳақ қамоқда ўтириб чиққан айбсиз айбдорлар, партиядошларимиз тақдири ҳақида етарлича қайғура олдикми? Ахир кечагина марказий матбуот, телевидение ва радио орқали бир гуруҳ собиқ раҳбарларни ҳибсга олиш жараёнини шу даражада таърифлаб эдикки, гўё уруш пайтида душман шаҳрини ишғол этишгандек таассурот туғилади. Бугун ҳибсга олинганларнинг кўпчилиги онлаги, халқи бағрига қайтиб келишди. Нега энди ўша кимсалар улардан ва республикамиз халқидан кечирим сўрашмайди? Уларнинг бир қисми аллақандай тасодифий шахсларнинг бир энлик хати билан инсон тақдирини ҳал қилганлар, ўн йиллаб кўриб билиб юрган партиядошлар ўз сафдошлари ҳақидаги фикридан осонгина қайтишган ва оқибатда, минглаб коммунистлар ноҳақ таъқиб этилган. КПСС сафидан ўчирилган. Афсуски, бундай томошабин бўлганлар ҳамон орамизда юришибди, масъул идораларда ўтиришибди.

Ўз ҳамкасби, дўсти ва партиядош сафдошлари тақдирида ана шундай оғир из қолдирган кишиларнинг кадрлар устида тажриба олиб боришидан сақланишимиз керак.

Мана шундай қусурлардан қутулиш қатъий муддаомиздир. Тириклигимизда бир-биримизни қадрлашга, ҳурмат қилишга ўргансак, ишимиз ҳар томонлама олдинга силжиган бўлармиди. Ҳалоллик, ишчанлик, принципаллик ва адолатли бўлиш — кадрлар сиёсатидаги бош мезонимиз бўлиб қолсин!

**Ислом ҲАМРО суҳбат қилди.**



**Далаларда баҳор нафаси уфуриб, экинтикин ишлари бошланмоқда. Бу ишга Уйчи районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги сабзаворкорлари ҳам киришишди.**

**Айниқса Маҳмуджон Нажмиддинов бошлиқ бригада аъзолари карам кўчатлари тайёрлаш ишларини қизғин олиб боришяпти. Уларнинг бу йилги режаси эл дастурхонига 1800 тонна сабзавот ва полиз маҳсулотлари етказиб беришдир.**

**Суратда: Марғуба Абдураҳмонова ва Каромат Турғуновалар иш устида.**

**П. АКБАРОВ олган сурат.**



**Бу суратда Шофиркон районидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалиги электр пайвандловчиси И. Эргашевни кўриб турибсиз.**

**У ҳамкасблари қатори қишлоқ хўжалик техникаларини баҳорги экиш мавсумига ҳозирлашда жонбозлик кўрсатмоқда.**

**К. КАРИМОВ олган сурат.**

### *Мамлакат бўйлаб*

## ТАЖРИБА ЎРГАНИШ УЧУН АМЕРИКАГА

**МОСКВА.** Америка фермерлари кўлажаги деб номланган машҳур ноҳукумат ташкилоти (ФФА) билан Россия деҳқон хўжаликлари ва кооперативлари уюшмаси (АККОР) ўртасида битим тузилди. Битимга мувофиқ хўжаликларнинг 30 нафар бўлажак хўжайини шу йил апрель ойида бир йил давомида тажриба ўрганиш учун АҚШга жўнаб кетади.

## ГЕОЛОГЛАР РАДИАЦИЯНИ ИЗЛАШМОҚДА

**ЛЕНИНГРАД.** Нева геология бирлашмаси Ленинград ва вилоят ҳудудида «безори» ионлаштирувчи нур манбаларини изламоқда. Бирлашманинг жуда сезгир назорат ускуналари билан жиҳозланган автомобиллари ва вертолётлари собиқ ахлатхоналарда радиация билан булғанган жойлар борлигини аниқладилар. Радиоактив элементлари бўлган яроқсиз асбоблар ва кимёвий моддалар шундай нурланиш манбаларн бўлиб чиқди.

**(ТАСС мухбирларининг хабарларидан).**

## ОНАНИНГ КЎНГЛИ БОЛАДА...

Яқинда ўғлим Акромжон Раҳматов хизмат қилаётган Уфа шаҳрида бўлдим. Турли миллат фарзандлари ва командирлар билан суҳбатлашдим.

— Кисмимизда турли миллат фарзандлари бор. Улар ўз хизмат вазифаларига виждонан ёндашадилар. Бир йилда икки марта ота-оналар слёти ўтказилади. 1990 йил 6 ноябрда ўтказилган слётда 50 дан ортиқ ота-она қатнашиб, фарзандларининг яшаш шароити билан танишиб, ўз миннатдорчиликларини билдириб, кўнгилларини тўқ қилиб кетишди, — дейди офицер А. Ю. Горьков. — Ўзбекистондан келган йигитлар масъулиятни ҳис қилишлари, меҳнатсеварликлари, яхши тарбия кўрганликлари, интизомлиликлари билан ажралиб турадилар.

Суҳбатни Тошкентнинг Наримонов шаҳарчасидан борган Султонбек Тўлимбеков давом эттирди:

— Биз бир оила фарзандларидек жуда аҳилмиз. Бирга яшаймиз, меҳнат қиламиз, дам оламиз. Ҳар бир бўлинмада рангли телевизор бор. Ҳафтада 3 марта бадиий фильмлар кўрсатилади. Видеофильмлар ҳам намойиш қилиняпти. Шанба, якшанба кунлари шаҳардаги кино-театрларга, циркка борамиз. Хизмат қилаётганимга бир ярим йил бўлди. Қисмимизда ўзбеклар озчиликни ташкил қилади, лекин бу ерда миллатчилик йўқ.

Йигитлик бурчи. Бу тўрт мучали соғ-омон ҳар бир ўғлон учун ҳам қарз, ҳам фарз. Ҳар бир инсон ҳаётида синов даври бўлади. Йигитларга «Армия кўрган» деб бежиз таъриф беришмайди-ку.

«Ўғлонларимиз ўз йигитлик бурчларини шараф билан ўтаб, ота-оналари бағрига эсон-омон қайтишсин!». Бу ҳар бир киши, ҳар бир ота-онанинг дилидаги орзу-ниятидир.


**Холида МИРСАЛИМОВА, Собир Раҳимов районидаги 299-болча тарбиячиси.**

## • КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА •

### СУРАТ— АЙБНОМА

**Сирдарё вилоятининг Ильич ноҳиясидаги Титов номли давлат хўжалигида жамоат чорвачилигига эътибор суст. Ушбу суратга бир назар ташланг. Сиз зарбдор тармоққа қандай муносабатда бўлинаётганини тушуниб оласиз. Хўжаликда йил якунида маҳсулот ўрнига «шифер йўқ», «тахта топилмади» деган баҳоналарни тақдим этишадими? Лекин бу хил баҳоналардан эл дастурхони бойиб қолмайди-ку! Чорвачиликни ривожлантиришга мутасадди ўртоқлар бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрадилар, деб умид қиламиз.**

**Суратни У. ҚУШВОҚОВ олган.**



## МИННАТДОРМАН

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунини хушнудлик билан нишонлаш оиламиздаги кўп йиллик анъана. Айниқса, раҳматлик отам фронтчи Чоршанбе Баккиев тирик пайтларида бу кун хонадонимизда байрамга айланиб кетарди. Бу йилги байрам ҳам хурсандчилик билан ўтди. Сирасини айтганда байрам арафасида оиламизга навбатдан ташқари янги уй ажратилди.

Саксонинчи йилларнинг бошларида Афғонистонда хизмат қилдим. Разведка бўлимида бўлганим учун айниқса катта хавф-хатарларни бошдан кечирдим. «Жанговар хизматларни учун» медали билан тақдирландим.

Уруш урушлигини қилади. Жангларнинг бирида оғир яраландим. Москва, Тошкент ҳарбий госпиталларида даволанишга тўғри келдн. Шифокорларга раҳмат. Оёққа турғазишди.

Лекин бугун Тўқимачилик район Кенгаши ходимларига миннатдорчилигимни изҳор этмоқчиман. Байрам арафасида мен қатори Афғонистонда хизмат қилган Р. Мухтаров, М. Шодиев, Ш. Салимов ҳам ҳовли тўйларини ўтказишди. Фақат ўтган йил мобайнида районда Президент Фармонига кўра 22 та шундай онла уй-жой шароитини яхшилади. Буларнинг ҳаммаси қайта қуриш шарофатидир. Меҳнат жамоамизда ҳам байналмилалчи жангчиларга алоҳида эътибор беришяпти. Турмуш ўртоғим билан икки фарзандни вояга етказмоқдамиз. Биз Она-Ватанимизда тинчлик, тотувлик барқарор бўлишини истаймиз.

**Одил БАККИЕВ, Бухоро шаҳри, Тўқимачилик райони.**






## МИЛИЦИЯ ҲАЁТИДАН

**Тошкент шаҳар Давлат автоинспекцияси бошқармаси ходимлари йўл ҳаракати хавфсизлигини назорат қилиш билан бирга жиноятчиликка қарши курашда ҳам фаол қатнашмоқдалар.**

**Суратларда (чапдан ўнгга): 1. Милиция капитани Нигора Жўрабоева давлат автоинспекциясига бундан 15 йил муқаддам комсомол йўлланмаси билан келган эди. Ўз фаолиятини йўл-патруль хизмати инспектори вазифасидан бошлаган Жўрабоева ҳозир давлат автоинспекцияси бошқармасининг энг мураккаб бўлинмаларидан бирига раҳбарлик қиляпти. 2. Взвод командири милиция капитани Сайфуддин Акбаров (чапдан) взвод аъзоларига жиноятчилар изига тушиш бўйича топшириқ бермоқда. 3. I даражали инженер Вячеслав Замахов давлат автоинспекцияси бошқармаси полк штабининг тарғибот бўлими катта инспектори Вячеслав Тутин Тошкентдаги йўл ҳаракатини автоматик бошқариш системаси маркази пульти ёнида.**

**Р. ШАГАЕВ сурати (ЎзТАГ).**



## ЧОРРАҲАДАГИ ФОЖИА

Тошкентнинг Фрунзе районида Космонавтлар ва Ленин проспектлари кесишган чорраҳада Калинин районидаги «Москва» жамоа хўжалигининг ишчиси 37 ёшли Ш. Миржалолов ВАЗ-21061 автомашинасини бошқариб кетаётиб, ички ишлар бошқармаси давлат автоинспекцияси йўл-соқчилик хизматининг инспектори милиция катта сержанти М. Ғиёсовнинг тўхташни билдирувчи ишорасига бўйсунмади. У тезликни ошириб, милиционерни уриб юборди. Ғиёсов ҳушига келмасдан 6-шаҳар касалхонасида вафот этди. Авария чоғида бироз жароҳатланган ва касалхонага жўнатилган Миржалолов табобат ходимларининг бандлигидан фойдаланиб, касалхонадан ғойиб бўлди. Уни қидириб топиш чоралари кўрилмоқда. Терговни прокуратура олиб бормоқда.

**Ўзбекистон ССР ички ишлар вазирлиги матбуот бюроси.**

## Сондан-сонга

Г. Попов уни инкор этишга ҳаракат қилиши мумкин эди. Бироқ унинг буни сезмасликка маънавий ҳаққи бормиди?

Воқеалар қандай ривожланган? Шиддатли ўзгаришларнинг қий-чувида улар ноаниқ ва табиийки, ҳаддан ташқари бузиб тасвирланган тарзда кўринади. Саксонинчи йилларда Ўзбекистонда СССР Прокуратурасининг бир неча тергов гуруҳи ишлади. Айни пайтда прокуратуранинг маҳаллий органлари ва Давлат хавфсизлиги комитети иш олиб борди. Дарвоқе, худди шулар бизни тортиб олинган миллионлар ва қимматбаҳо буюмлар билан ҳайратга солган «Бухоро иши»ни очдилар. Гдлян матбуот ва телевидение учун мана шу барча қимматбаҳо буюмлар билан суратга туша бошлаганида, маҳаллий терговчилар, айтишларича, ўзларини қўярга жой тополмаганлар. Ахир, улар: «Буларни биз, ҳа биз фош қилганмиз!» — дея қичқиришмаган. Аслида, уларга бунга имкон ҳам беришмасди. Негаки, СССР Прокуратураси Гдлянни қунт билан қўллаб-қувватлар, телевидение билан матбуот нима учундир унинг ихтиёрига ўтиб қолган эди. Умуман олганда эса Гдлян обрў-эътиборининг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада ошишида қандайдир сир бор. Яъни, хўш, кимнинг қўли уни шунчалик куч билан юқорига олиб чиқди? Кимнинг қўли барча оммавий ахборот воситаларини зўр куч билан ўзида ушлаб турди? Нима учун узоқ вақтгача кишиларни ҳушига келтирувчи ҳақиқат сўзларию шубҳа-гумонлар шу исканжадан одамлар сари ёриб чиқолмади? Хўш, Гдлян ўз кучлари билан юқорининг розилигисиз, масалан, жумҳурият Компартияси Марказий Комитети биринчи котибини қамоққа олиши мумкин, деган гапга ким ишонади? Рашидовчиликка, унинг олий қатламдаги кадрларига қарши курашишда унга оқ йўл тилашган, дейилса, бунга ишонса бўлар. Аммо, бу курашда қандай «ажойибот»-лар рўй бериши кўпчиликнинг тушига кирмаган ҳам бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда СССР Прокуратурасининг бир неча гуруҳи бор эди. Улар кўплаб йирик порахўрларни аниқлади. Терговчилар жимгина жуда кўп иш қилдилар. Гдлян эса узлуксиз ўз-ўзини мақташ билан шуғулланиб бошлади. Унинг ўз ишини неоромантик қўрқув услубида тасвирлаши (яъни зирҳли камзулдаги терговчилар мафиянинг тўхтовсиз ўқ ёмғири остида ишлашган экан) эни содда, гўл одамларни лақиллатишга мўлжалланган эди. Бу афсоналар ҳақиқий терговчиларнинг кулгисини қистатган

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

бўлса, қолганларни ишонтирди. Гдлян (ёки унинг ортида турганлар) оммавий онг савиясига мос тушувчи аниқ сиёсий қадамлар ташлаш билан шуғулланди. Мазкур одимлар кўпинча телбаларча қўйилди, бироқ афсуски, ҳозир кўриниб турганидек, шу кунлар бесаранжомлигига аниқ мос келарди.

Айни пайтда Ўзбекистонда рўй бераётган қонунсизлик, азоб-уқубатлар устидан шикоятлар оқа бошлади. Улар Гдлян мансуб бўлган атаётганини сезишмасди.

Мана шунда, эҳтимолки, ушбу воқеалар силсиласида бурилиш бўлган ҳолат юз берди. Олий Кенгаш Гдляндан тушунтиришни талаб қилганида, у жавоб беришдан бош тортиб, ўша заҳоти кузирини — телевидениени ишга солиб, Лигачевга порахўр тамғасини босди. Ҳамма гап шундаки, Гдлян Е. К. Лигачевни, одамлар ўйлаганидек, комиссиядан олдин эмас, балки комиссия ишидан сўнг айблади. У мият, Сталин режими даврида шаклланган терговчи қиёфаси ҳамон тирик эканлигини ва шу пайтгача хавф солиб турганини тушуниб етган жамият яна «хато қилмайдиган» терговчи образини яратди, яна унга сўзсиз ишониш ва чексиз тасаннолар айтиш учун соғлом тафаккур йўлини беркитишга тайёр эди. Ҳа, бизнинг давримизда ҳам зўравонлик ва сохтакорликка асосланилган кўпгина ишлар очилди. Ҳатто айбсиз бир киши отилганини ҳам ҳалокатли саволларни беришлари, далил-исботларни талаб қилишлари мумкин эди. Ҳаммаси шундан бошланди.

Эсимда, ер ости ўтиш йўлидан борардим. Унинг деворларига эълонлар ёпиштирилган бўлиб, улар Лужникида ўтадиган митингга даъват қиларди. Унда Афанасьев, Попов ва бошқа «сўл» арбобларнинг исм-шарифи ёнида Гдлян билан Ивановнинг номлари ҳам турарди. Мен бу ерда қандайдир англашилмовчилик борлигига ёхуд терговчилар радикалларнинг илғор ҳаракатига суқулиб кириб олишга интилаётганлигига умоним комил эди. Уйга келгач, бу ҳаракатнинг кўзга кўринган намоянларини ёритишимиз.

Мен маданияти кам кишиларга таъна қилмоқчи эмасман. Уларнинг ҳақиқий аҳволни тушуниб олишлари қийин. Албатта, бунинг сабаблари чуқур — у халқ мусибати билан боғлиқ. Агар одамлар тўқ, бошанг кийинган, ўз болалари тақдири учун хотиржам бўлсалар эди, хуллас, халқ онги турмуш шароитлари туфайли портламаганда эди, ҳеч қачон терговчиларнинг гўё «аппарат»га, «марказ»га қарши курашяпмиз, деб валдирашларига ишонмасдилар. «Курашяпсизми? — дейишарди одамлар. — Курашаверинг. Сизларнинг хизмат бурчингиз бу. Аммо, айбини, албатта, исботлаб беринг». Лекин қийналаётган, жаҳли чиққан одамлар ўз ҳалоскорига, қаҳрамонга орзуманд эдилар. Шу боис ижтимоий адолатнинг бу кўланкасига чанқоқлик билан ёпишдилар. Улар маъмурларга қарши қўрқмай кураш бошлаган ҳақиқий жангчи пайдо бўлганлигига астойдил ишондилар.

Ниҳоят матбуотда Гдлянга ва унинг гуруҳига қарши қаратилган материаллар (Олий Кенгаш қарори, А. Бутурлиннинг мақоласи, мен ёзган «Афсона») пайдо бўлгач, кўпчилик ўшанда лол қолган, ўйлаб кўриш имкониятига эга бўлган эди. Бу ўйлаш Гдлян учун хатарли оқибатларга олиб келиши, унга кўнгилсиз ва ҳатто даларидан бирига хавф-хатар тўғрисида огоҳлантириш мақсадида қўнғироқ қилдим. Маълум бўлишича, бу ерда ҳеч қандай англашилмовчилик йўқ экан. Суҳбатдошимдан биринчи марта мақоланг бемавруд эълон қилинди, деган гапни эштитдим. У аслида мақоланинг самимийлигига шубҳа қилмасди. Энди эса... Хўш, мен бор ҳақиқатни била туриб, хавф-хатарни кўра туриб, нима қилишим керак эди? Одамлардан сир сақлашим лозимми? Келаси замонга қолдиришим зарурмиди? Э, ҳудойим, ўзи нима бўляпти, буларнинг ҳаммаси нимага? Ўз-ўзимга, сиёсий манфаатлар йўлида шундай қилиняпти, деб жавоб бердим. Лигачевга ва бутун «аппарат»га қарши чиқаётган Гдлян, шубҳасиз, фойдали шахс. Қарабсизки, ақл бовар қилмайдиган воқеа юз берди. Сўллар унинг бебошлигини била туриб қучоқларига олдилар. Гдлян улар билан битта платформага — том маънода битта, митингчилик платформасига ўтди. Унда йирик ҳуқуқ ҳимоячилари ҳаммамиз учун қадрли бўлган олижаноб шиорларни эълон қилдилар, йирик қонунбузарлар эса шу ернинг ўзида бу сўзларни такрорладилар. Бундай томошага тоқат қилиш учун киши асаблари мустаҳкам бўлиши керак.

(Давоми бор).

*Нуқтаи назар*

О. Г. ЧАЙКОВСКАЯ.

# НОМУС

## Сиғиниш онгининг такрорланувчи жиноятлари ҳақида «бемаврид» ёзилган мақола

аппаратнинг «шонли» ва бузилмас анъаналарига мувофиқ, тўғридан-тўғри унинг ўзига келиб тушарди. Айбсиз қамалган кишилардан бирининг хотини менга қуйидаги воқеани гапириб берди. Гдлян унинг кўзи олдида столнинг шундай шикоятлар тўла ғаладонини очиб, кўрдингми, агар яна шикоят қилмоқчи бўлсанг, сени ҳам бошқа аёлларни қамагандек ҳибсга оламан, дейди. Шундай бўлса-да, бу шикоятлар оқими тўлиб-тошиб М. С. Горбачевга бориб етди. У Олий Кенгашнинг Б. К. Пуго бошлиқ комиссиясини тайинлайди. Гдлян билан Иванов эса аллақачон клублар ва эстрадаларда ваъзхонлик қилишар, радио ва телевидение орқали сўзга чиқиб, гулдурос қарсаклар остида кучларининг борича ҳаммани — ўнгу сўлига қарамай (ўзлари айтганидек, «тиккасига ва ёнламасига») порахўрликда айблашаётганди. Улар бунда ҳеч қандай, ҳа биронта ҳам ашёвий далил кўрсата олмасдилар. Маълум бўлишича, шундай қилса мумкин экан! Чунки, омма онги далил-исботлардан маҳрум айбловларни мамнуният билан қабул қилар, умуман далил-исботларни талаб қилмас, ютмоқчи бўлган нарсаси нима эканлигини сўраб-суриштирмасдан итоаткорлик билан ютарди. Гдлян у ёки бу даражада ўз йўлига гов бўлаётган кишиларни порахўр деб тинглар қийқириғида нима олдин бўлди-ю, нима кейин бўлди, сабаби нимада-ю, оқибати қандай тугайди — ҳеч ким сезмайди, деган фикрда эди. Исталган «ўртача одам»дан сўраб кўринг, у сизга, жамият Гдлянни, айнан уни ҳимоя қилишга кўтарилди, чунки уни таъқиб этмоқдалар, чунки айнан уни Сиёсий бюрога тегиб кетгани учун қувғин қилмоқдалар, деб жавоб беради. Сиз қўлингиздаги саналар билан, иш аслида бошқача бўлган эди, деб юз марталаб такрорламанг, барибир, ҳеч ким гапингизга қулоқ солмайди, эшитса ҳам эсда сақлаб қолмайди. Сиғиниш онгининг фавқулодда самараси бу!

Маърифатли жамиятда фақат девонагина ҳеч қандай далил-исботсиз кунига ўн марталаб одамларни энг оғир жиноятларда айблашга журъат этиши мумкин. Қайтараман, нотиқнинг ақлсизлигига (эҳтимол, у яхшигина ўргатилган бўлса-чи) тўс-тўполон қилаётган одамларнинг савдойилиги тўла мос келарди. Айблов гўё ўзини ўзи исботлайдигандек, оғиздан-оғизга ўтарди. Ижтимоий телбалик очиқдан-очиқ намойишкорона тантана қиларди.

Аммо бир нарса ҳайрон қолдирарди: Сталиннинг ёпиқ тергов кабинетларида одамлар қандай азобларда ҳалок бўлганини билиб даҳшатга тушган, кўзи очилган жамиятнинг энг муракаб бўлинмаларидан бирига раҳбарлик қиляпти. 2. Взвод командири милиция капитани Сайфуддин Акбаров (чапдан) взвод аъзоларига жиноятчилар изига тушиш бўйича топшириқ бермоқда. 3. I даражали инженер Вячеслав Замахов давлат автоинспекцияси бошқармаси полк штабининг тарғибот бўлими катта инспектори Вячеслав Тутин Тошкентдаги йўл ҳаракатини автоматик бошқариш системаси маркази пульти ёнида.

Р. ШАГАЕВ сурати (ЎзТАГ).

## ФАРҒОНА ХАБАРЛАРИ

● **Фарғоналиклар кабель телевидениеси кўрсатувларини томоша қила бошлашди.**

«Союзтеатр» ҳузуридаги хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатадиган эфир-кабель телевидениеси мижозларга хизмат кўрсатишга киришди. «Мостелемонтаж» трести бош пудратчи бўлиб, кабель тармоқлари ўтказишни «Фэкт» кичик корхонаси олиб борди. Ҳозир талабларга мувофиқ турли бадиий ва мультипликацион фильмлар, эстрада усталари концертлари намойиш этилмоқда.

* * *

● **Вилоят милиция ходимлари ўз рўзномаларига эга бўлдилар.**

Вилоят ички ишлар бошқармаси ҳузурида нашр этилаётган янги рўзномага «Посбон» номи берилди. Унинг саҳифаларида тартибни таъминлаш ходимларининг тасодифларга тўла ҳаётларига бағишланган материаллар ёритилмоқда. Район рўзномаси ҳажмида ойда бир марта чиқадиган бу янги нашр Ўзбекистон ССР Матбуот давлат комитетининг вилоят бошқармасида рўйхатга олинди.

* * *

● **Ленинград сафарига борган кишилар меҳмонхона, махсус автобуслар топиш ва бошқа баъзи юмушларни бажаришдан ҳоли бўлишди.**

«Фарғонатурист» бирлашмаси ана шундай хизматларни бажаришда ўзига хос қулайлик яратди. Бунинг учун Ленинград яқинидаги Отрадное шаҳридан барча қулайликларга эга бўлган саёҳат маскани ижарага олинди. Бу ерда фарғоналикларнинг туристик базаси иш бошлади.

**А. ИБОДИНОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

НАШРИЁТ ТУҲФАСИ

## Шинелли шифокорлар

Улуғ Ватан урушининг сўнгги йилларида шифокорлар ҳам мудофаачилар сафида бўлдилар. Улар яралар ва бемор жангчиларни мумкин қадар тез ва қисқа фурсатда соғайтириб, жангговар сафга қайтаришга катта ҳисса қўшдилар.

«Ибн Сино» нашриёти Совет Армияси куни олдидан У. Соипов, И. Раҳмоновлар қаламига мансуб «Ўзбекистонлик шифокорлар Улуғ Ватан уруши йилларида» китобини босмадан чиқарди.

Унда 68 нафар шифокорнинг жанггоҳлардаги жасорати, яралорларга кўрсатган ғамхўрликлари ва тиббий ёрдамлари ҳақида ҳикоя қилинган.

**З. АНОРБОЕВА.**




МУҲАРРИРИЯТГА ХАТ

## ҲОЗИР ЯХШИМАН

**Дарднинг келиши осон, кетиши қийин экан. Мен қанд касаллиги, зиқна фас, буйрак, юрак санчиғи каби бир қанча хасталиклар билан ўн саккиз йил азоб чекдим. Қанчалаб дори-дармонлар ичдим, игна олдим. Лекин биронтасининг нафини сезмадим.**

**Бир куни ҳузурумга келган ҳамширанинг «теша тегмаган» гапи мени яна тўшакка маҳкамроқ михлади. Эллик қадам юролмасдим. Чарчаб, бошим айланиб кетарди. Ўтган йили март ойида Наманганда Маҳмуджон Сайдуллаев деган шифокор ҳар қандай оғир беморни даволаётганлигини эшитиб қолдик. Махмуджоннинг ҳузурига бордик.**

**Маҳмуджон шарқ табобатининг мўъжизаларини қўлларкан. Ҳозир яхшиман. Уша хаста ҳолатимда мени кўрганлар ҳаммаси қойил бўлмоқда. Ҳозир бемалол чарчамасдан пиёда уч чақирим юра оламан.**

**Маҳмуджон ўтган йили Наврўз байрамида ойнаи жаҳон орқали «Дардингни олай, ўзбегим!» деган эди. Мен ҳам унга матонат тилайман.**

**Ойша МАВЛОНОВА,**
**Ўзбекистон ССР халқ артисти.**


## ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

### БАЛИҚ ОВЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

**1991 ИИЛ:**

**Амударё ва Сирдарёда** — 10 мартдан 10 июнгача;

**Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятидаги сув ҳавзаларида** — 26 апрелдан 10 июнгача;

**Сурхандарё воҳасидаги сув ҳавзаларида** — 16 мартдан 5 майгача

**Қашқадарё воҳасидаги сув ҳавзаларида** — 10 апрелдан 31 майгача.

**БАЛИҚ ОВЛАШ;**

**Чорвоқ сув омборида** — 1991 йил 1 декабрдан бошлаб хонбалиқ ва пелядь балиғини овлаш

### ТАҚИҚЛАНАДИ

**Бурчмулла ва Боғистон томонларда** — 16 апрелдан 31 майгача бошқа турдаги балиқларни овлаш тақиқланади.

Спорт-ҳаваскорлик балиқчилиги корхоналарга қарашли овчилик-балиқчилик хўжаликларида 2 та илгак билан тутишга рухсат этилади.

Давлат ва муассасавий қўриқчилик ходимларига тақиқ даврида сузишга вилоят табиатни муҳофаза қилиш комитетлари томонидан руҳсат берилади.

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КОМИТЕТИ.**

### ДАВЛАТ СУҒУРТАСИДАГИ ЯНГИЛИК!

**Транспорт воситаларини кўнгилли суғурта қилдириш**

**МУШКУЛ ҲОЛАТЛАРДА ЖОНИНГИЗГА ОРО КИРАДИ**

Модомики, ҳаётингиз ва ишингиз шахсий транспортдан фойдаланиш билан боғлиқ экан, Сиз йўл транспорт ҳодисалари оқибатида келиб чиқадиган кўнгилсиз вазиятларга дуч келмайсиз деб ҳеч ким кафиллик бера олмайди. Ана шундай ҳолларда Давлат суғуртасининг ёрдами айни муддао бўлади.

**Давлат суғуртаси янги хизмат турини — яъни ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ КЎНГИЛЛИ СУҒУРТА ҚИЛДИРИШНИ ТАВСИЯ ҚИЛАДИ.**

Аввалги қоидалар ўрнига янги суғурта қоидалари 1991 йил 1 январдан бошлаб жорий этилди.

СССРнинг барча фуқаролари, шунингдек СССРда муқим яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз транспортини суғурта қилдиришлари мумкин.

Қуйидаги механикавий транспорт воситалари ва сув транспорти воситалари, шунингдек (суғуртачининг хоҳишига кўра) бир вақтнинг ўзида ҳайдовчи ва йўловчилар, қўшимча ускуналар ва транспорт воситасининг асбоб-анжомлари суғурта қилиши мумкин:

АВТОМОБИЛЛАР — енгил, юк, юк-йўловчи ташийдиган, кичик автобуслар шу жумладан, СССР Ички ишлар вазирлигининг Давлат автомобиль инспекцияси (ДАИ) органлари томонидан рўйхатга олиниши лозим бўлган тиркагичлар ва ярим тиркагичлар;

Барча моделлардаги **мотоцикллар, мотороллерлар, мотоаравачалар, мопедлар, шунингдек, мотоблоклар ва нхчам тракторлар** билан бирга **тракторлар;**

Белгиланган тартибда рўйхатга олиниши лозим бўлган **қайиқлар,** (осма мотор билан юрадиган дам бериладиган қайиқлар бундан мустасно), катерлар ва яхталар, катамаранлар ва тримаронлар.

**ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНИ ҚАНЧА МИҚДОРДАГИ ПУЛГА СУҒУРТА ҚИЛДИРИШ МУМКИН?**

Нисбий жавобгарлик белгиланган ҳолда транспорт воситасининг ҳақиқий қиймати атрофидаги исталган пул миқдорига (бироқ 1000 сўмдан кам эмас) суғурта қилинади.

Қўшимча ускуналар ва багаж буюмлари биргаликда (умумий қиймат йиғиндисига) ёки алоҳида қуйидаги миқдорларда суғурта қилиниши мумкин:

автомобиль — 500, 1000, 1500 ёки 2000 сўмга;

мототранспорт воситалари — 50, 100 ёки 200 сўмга.

транспорт воситасининг **ҳайдовчиси** ва **йўловчилари** ўриндиқлар сонига қараб ҳар бири 1000 сўмга бахтсиз тасодифдан суғурта қилиниши мумкин.

Транспорт воситалари зиённинг тўлиқ ёки қисман қопланишини назарда тутган ҳолда 4 хил йўл билан (суғуртачининг хоҳишига мувофиқ) суғурта қилинади.

Автомобиль суғуртачисига зиён ўрнини қоплашда шахсан иштирок этиш шарти билан шартнома тузиш ҳуқуқи берилади)

Автомобилни суғурта қилдиришда унга етказилган зиён ўрнини қоплаш учун алмаштирилиши лозим бўлган эҳтиёт қисмлар, деталлар ва асбоб-анжомларнинг ишлатилганлик даражаси учун чегирма ҳисобга олинмаган бўлса, у ҳолда қўшимча тўлов тўланади.

Сиз яшаб турган жойга ёки корхонангизга ҳизмат кўрсатувчи суғурта ходимига ёки Давлат суғурта нозирликларига мурожаат қилиб, Кўнгилли суғурта қоидалари билан танишиб чиқишингиз мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СУҒУРТАСИ ИДОРАСИ.**

**«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.**



«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

**3 март соат 17.00 да АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 550 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН**

**КАТТА КОНЦЕРТ**

**ҚАТНАШАДИЛАР:**

**Ўзбекистон ССР халқ артистлари:**

Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ,
Маъмура ЭРГАШЕВА.

**Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти совриндори,** шоир

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ.

**Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Эркин КОМИЛОВ, Едгор САЪДИЕВ, Таълат САЙФИТДИНОВ.**

**Чипталар «Баҳор» концерт зали кассасида сотилмоқда.**


## Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28/II да **Отелло,** 1/III да **Жизель,** 2/III да **Чио-Чио-Сан,** 3/III да **Этик нийган мушук** (12.00), **Уйқудаги гўзал** (19.00).

Ўзбекистон ССР Молия вазирлиги жамоаси вазир муовини Н. Қ. Мусаевга акаси

**Тоҳир Қосимович ҚОСИМОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР «Кибернетика» илмгоҳи жамоаси етакчи илмий ходим Ш. Е. Тўлаганов-га онаси

**Ойжамол ТЎЛАГАНОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон жумҳурияти Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ветеринария бош бошқармаси ва давлат ветеринария назорати жамоаси давлат ветеринария назоратининг бўлим бошлиги М. Х. Ҳасановга отаси

**Ҳасан СУЛАЙМОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


Тошкент автомобиль йўллари олий билимгоҳи маъмурияти ва жамоат ташкилотлари «Йўл қурилиш материаллари» курснятининг мудири В. Юнусовага акаси

**Нажим ҚОДИРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ҲОЛҚОСИМОВ. Э. С. ХЎЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий вдолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-84, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.

Буюртма № 4871.

№ 42. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида. А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12